



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 24-mart № 38-39 (2920) payshanba



Муҳаммад КАРИМ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси эртага — 2011 йил 25 март куни эрта-лаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2011 йил 24 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

Саҳифаларимизда

Аёлга шодланмоқ ярашгай

6-бет

Касаба уюшма ҳаракатини мустақамлашда аёллар фаол иштирок этаётганини таъкидламай бўлмайди.

Айни кунда 3 млн. 3 минг нафарга яқин, бошқача айтганда, 48,9 фоиз хотин-қизлар касаба уюшмасига аъзо бўлиб, ишлаб чиқариш жамоаларининг ҳаётига киришиб, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшмоқдалар. Бу эса аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, мамлакат ҳаётидаги роли ортишига имкон яратмоқда.

20 йил «Ishonch» билан

8-бет

20 ёш — навқирон, гўзал, куч-қувватга тўлган чоғ. Буни «Ishonch» газетасига қиёсан айтилса ҳам асло хато бўлмайди. У республика миқёсида ҳам энг нуфузли нашрлардан саналади. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори газета мазмун-мундарижасига айланиб кетганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида газета ўзига хос минбар вазифасини ўтаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Огоҳлик яхши

14-15-бетлар

Зилзилаларни олдиндан айтиш муаммоси билан бир неча ўнлаб давлатларнинг минглаб мутахассислари юз йиллардан бери шуғулланиб келади. Тадқиқотлар натижаси ўларок, юз йил олдингига қараганда зилзилаларнинг жуда кўп сирлари очилди. Лекин муаммо охиригача аниқ ечимини топган эмас. Шундай дейишимизга сабаб — буни кейинги йилларда Индонезия, Хитой, Чили, Гаити ва ниҳоят Япониядаги зилзилалар мисолида кўриб турибмиз.

Наврўз боғларида

Мевали, манзарали кўчатлар экиб боғ яратиш асрлар мобайнида давом этиб келаётган, халқимизга хос азалий қадриятлардандир. Бу эзгу анъана шу кунга келиб янада кенг қулоч ёймоқда.

Кўчат эк, боғ ярат!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси V Курултойи делегатларининг кўчат экиш ҳақидаги ташаббуси Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши хизмат доирасидаги меҳнат жамоалари ходимлари, ўқув муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалар томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Зеро, яшиллик, боғроғлар табиатга гўзаллик бахш этиши билан бирга, инсонга ҳам битмас-туганмас мусаффо ҳаво етказиб беради.

Пойтахтимиздаги мавжуд давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан мевали ва манзарали кўчатларни экиш бўйича муайян ишлар амалга ошириляпти. Тармоқ касба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши Олмазор туманига масъул бўлиб, жорий йилнинг 11 мартига қадар корхона ва ташкилотлар ҳудудида 15 минг 569 туп кўчат экилди. Бундан ташқари, 58 та маҳалла ва унинг ҳудудидаги кўчаларда ҳам хайрли ишлар давом эттирилмоқда. Умумхалқ ҳашарида эса 1000 туп мевали, 8300 туп манзарали кўчатлар экилди. Шунингдек, шаҳримизда жойлашган тармоқ касба уюшма хизматидаги барча даволаш муассасаларида ҳам боғ барпо этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, 3-туғруқ комплексда 1000 тупдан ортиқ турли кўчатлар экилди. Бу хайрли иш тармоқ касба уюшмаси шаҳар кенгаши тизимидаги меҳнат ва ўқув жамоаларида уюшқоқлик билан давом этаётгани қувонарлидир.

Гавҳар ИСЛОМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси
Тошкент шаҳар кенгаши раиси



Туманимизда 60 мингдан ошиқроқ хотин-қизлар истиқомат қилишади. Улар 58 та маҳалла фуқаролар йиғинларига бириккан ҳолда баҳор байрамини катта кўтаринкилик билан қарши олдилар.

Биз пиширган сумалак

Бугунги кунда таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ходимларининг аксарият қисмида, шунингдек, деярли барча соҳаларда зукко ва меҳнатсевар аёлларимизнинг тутган ўрни беқиёсдир. Улар бир қўлларида оила, фарзандлар юмушларини адо этишса, иккинчи қўлларида дунё ташвишларини осонлаштираётир.

Туман хотин-қизлари фаолларнинг галдаги кенгайтирилган йиғилишида бир кун аввал сумалак пиширишга келишиб олдик.

Ташкилий ишлардан холи бўлиб, сумалакдан бир хабар олай, деб келсам, қозонбошида ҳазилмutoйиба, ўйин-кулги роса кўр олаётган экан. Кайвони опамиз қизиган чилдир-

мани кўлига олиб, кўшиқ, лапарлардан билганича айтиб, хурсандчиликка жўр-возлик қилмоқда. Рақсга тушаётган жажжи қизалоқларни кўриб, янаям дилим яйради.

Эртаси куни биргина ана шу баҳорий тансиқ таом туфайли фаоллар йиғилиши чинакам таъсирчан, эсда қоғларли тадбирга айланди, десам, муболағага йўймайсиз. Чунки сумалакни татимаган бирорта ҳам иштирокчи қолмади. Кўпчиликнинг айтишича, ҳиди ёқимли, ўзи тўйимли бўлган таомнинг таъми узоқ вақт

эсларида қолғулик чиқибди.

Фаоллар йиғилиши кун тартибидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси V Курултойи иштирокчиларининг Мурожаати муҳокамаси ҳам ўрин олган эди. Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигида янги-янги боғлар, гулзор ва бўстонлар яратишда туманимиз фаол аёлларининг ҳам салмоқли ўрни бор.

Замира ҚУВОНОВА,
Пахтачи тумани
ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар
қўмитаси раиси

● Бизнинг шарҳ

Ҳамкорлик манфаатлар

Истиқлол йилларида аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватловчи турли фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар ва ҳуқуқий асослар яратиб қўйилганлиги бугун ўз самарасини беради.

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусида маърузасида фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилдики, шубҳасиз, бунда касба уюшмаларининг ўрни беқиёсдир.

Шу боис фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган касба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, касба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари фаолигини ошириш, Президент Концепциясидан келиб чиққан ҳолда ушбу жамоат ташкилотининг ўз олдига қўйган

устувор вазифаларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан барча бўғиндаги касба уюшма ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳар қачонгиданда жиддий эътибор қаратилмоқда. Қатор вазирликлар, давлат ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлаб чиқилаётган қўшма тадбирлар режаси ва уларда акс этаётган долзарб масалалар ушбу йўналишда амалга ошириляётган тадбирлардан биридир.

Куни кеча Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси кенгаши ўртасида 2011-2012 йиллар учун қўшма тадбир-

лар режаси илк бор қабул қилинди. Ушбу қўшма тадбирлар режасининг айна вақтда қабул қилинганлиги ва бу давр талаби эканлигини сира иккиланмай таъкидлаш зарур. Чунки касба уюшмалари томонидан меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинувчи ҳар бир касба уюшма аъзоси бир вақтнинг ўзида истеъмолчи ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан беvosита мазкур тадбирлар режасидан ўрин олган касба уюшмаларининг барча тармоқларига мансуб йирик корхона ва ташкилотларнинг ҳар бирида ходимларнинг камидан 50 нафарини Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман (шаҳар) жамиятларига аъзоликка қабул қилиш ва бу орқали Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг таянч гуруҳларини тузиш тадбири-



Бирлашган қўмитамиз вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда барча таълим муассасаларида баҳорги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллик билан ташкил этаётир.

Ифор таратиб...

Мавжуд касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ҳовлиси ҳамда ён-атрофда шу кунгача 11150 туп мевали ва яшил манзарали ниҳоллар ўтқазилди, 14 минг донага яқин дарахт қаламчалари экилди. Бунда, айниқса, Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей, Навбахор агроиқтисодиёт коллежи, Конимех ва Қизилтепа қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари жамоалари алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Вилоятдаги 4 та таълим муассасасида ўқув-тажриба хўжалиги мавжуд бўлиб, 24 гектар майдонда янги боғлар ташкил этилди. 18 та касб-хунар коллежида эса кичик иссиқхоналар иши йўлга қўйилган.

Касба уюшмалари Федерацияси V Курултойи делегатлари Мурожаатидан руҳланган жамоамиз яна бир хайрли ишга қўл урди. Навбахор туманидаги 5 гектарлик майдонда «Устозлар боғи» яратишга киришилди. Ўтган йилларда бошланган ишларни ҳисобга олсак, боғларимиз атирлар ифорига тўлиши тайин.

Ахрор РАҲМАТОВ,
Навоий вилоят ўрта махсус касб-хунар
таълими бирлашган касба
уюшма қўмитаси раиси

Наврўз байрамлари

Жамоани катта бир оила дейиш мумкин. Чунки умримизнинг асосий қисми ишхонада ўтади. Барча ташкилот, идора ва муассасаларда байрам кунлари ва бошқа муҳим саналарни жамоа билан нишонлаш яхши урф-одатга айланганлиги ҳам шундан.

Пазандалар беллашуви



Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллик тасарруфидаги «Тўйтепа металл қурилмалари» очик акциядорлик жамияти анъанага содиқ қолиб, Наврўз айёмида 600 га яқин ишчи-хизматчилар учун тўкин дастурхон ёзиб, миллий таомлар тайёрлаш бўйича танлов ўтказди. Унда йигирмага яқин цех ходимлари иштирок этиб, пишириқлар чирой ва таъм борасида берибидан қолишмади.


Турли кўкатлардан моҳирона тайёрланган таомлар барчага манзур бўлди ва биринчи ўрин очик ҳиссадорлик жамияти бошқармаси вакилларига насиб этди. Иккинчи ўринни жамиятнинг бўяш-юклаш цехи, учинчи ўринни эса метални қайта ишлаш цехи ходимлари

эгаллашди. Фолибларга завод маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбирда иштирок этган Ўртачирчиқ туман ҳокими ўринбосари Ш. Шомансуров, тармоқнинг Тошкент вилояти касаба уюшма вакили Т. Одилхўжаев, очик акциядорлик жамияти раиси М. Юсуповлар йиғилганларни байрам билан қизгин табриклар, эзгу тилақларини билдирдилар.

— Бугунги танлов барчамиз ягона ватан ва бир оила фарзандлари эканлигимизни яна бир бор эслатиб қўйди, — деди очик акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Светлана Климова.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири



Ўйғунлигини таъминлайди

нинг нақадар долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур гуруҳлар тузилгач, савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шахобчалари ёки истеъмол бозорининг бошқа турдаги хизматларидан фойдаланган истеъмолчи ҳуқуқлари поймол бўлган ҳолларда ортиқча оврагарчиликларсиз ўзи меҳнат қилаётган корхона ёки ташкилотда тузилган таянч гуруҳига мурожаат этиш орқали ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконига эга бўлади. Натижада, қимматли вақт тежалиши билан бирга моддий ва маънавий зарарнинг олди олинишига эришилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш идоралари фаолиятидаги, умумий овқатланиш, чакана савдо, пластик карточкалар воситасида тўловларни амалга ошириш каби соҳалардаги камчиликлар юзасидан касаба уюшмаларига келаётган мурожаатларнинг тааллуқлилигича Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг ҳудудий бирлашмалари, туман (шаҳар) жамиятларига қўриб чиқиш учун тезкор тақ-

дим этиб борилиши ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда ўзига хос кўмак ва зифасини ўтайди.

Қўшма тадбирлар режасидан ўрин олган яна бир тадбир — ҳудудлар миқёсида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусида семинарлар ўтказиш бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишига шубҳа йўқ.

Мазкур тадбирлар режаси асосида иккала ташкилот ҳамкорлигида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, болаларнинг жисмонан соғлом ва бақувват, маънан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари мақсадида ташкил этиладиган оммавий спорт тадбирлари, ҳар бир ҳудудда барпо этилган болалар спорти мажмуалари ҳолати, уларда яратилган шароитлар, зарур спорт

жиҳозлари билан таъминланганлигини ўрганиб бориш давлатимиз томонидан қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса, қизларни оммавий жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бўйича ишлар самарадорлигини тубдан ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилиши ҳам айна муддаодир.

Сирасини айтганда, мазкур ҳужжат мамлакатимизда халқ фаровонлиги йўлидаги кенг кўламли тадбирлар самарадорлигини ошира бориб, инсонларнинг меҳнат соҳасидаги ва истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси ўйғунлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда мустақкам асос ва зифасини ўтайди.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кенгашининг Матбуот хизмати раҳбари

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти буйича вакиллик тасарруфидаги касаба уюшма фаоллари томонидан «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 тупдан дарахт кўчати» экиш ташаббуси катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Энг улус савоб

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у юртимизда боғларнинг янада кўпайишига, ватанимизнинг чирой очишига, шу ишлар орқали ёшлар онгида ватанпарварлик, бунёдкорлик, табиатга меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланишига хизмат қилади.

Тошкент вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қарорлари билан тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилояти бўйича вакиллик Бекобод туманида 20 тадан мевали ва манзарали дарахтларни экиш ишларига масъул қилиб бириктирилган. Туманда ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан режа тадбирлари асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат ва нодавлат корхоналарида, таълим муассасаларида ҳамда ҳар бир хонадонларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Биргаликда олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли шу бугунгача туманда 373 минг 412 дона кўчат ва қаламчалар экилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатлари мурожаати асосан тармоққа қарашли «Максам-Чирчиқ» ОАЖ, «Ўзбеккимё маш заводи» ОАЖ, «Биокимё» ОАЖ ва «Тошгазтаъминот» унитар корхоналарига 4 та янги боғ яратиш учун Чирчиқ шаҳри, Янгийўл ва Оҳангарон туманлари ҳудудидан 35 гектардан ортиқ ер ажратилган эди. Ҳозирда бу майдонларда 20 минг дона мевали дарахт кўчатлари экиш ишлари бошлаб юборилган. Республика ҳудудида жойлашган кўчат етиштирувчи ўрмон ва боғдорчилик хўжаликлари билан келишилган ҳолда мевали дарахт кўчатларининг хилма-хил навлари келтирилмоқда.

Тармоқ касаба уюшма фаоллари томонидан бугунги кунда 5530 та мевали, 1860 та манзарали, 4000 та тол ҳамда терак қаламчалари ва 1000 та атиргул, жами 12 минг 400 та кўчат экилди.

Шу азиз Ватан барчамизники, зотан унинг ободлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир касаба уюшма фаолларининг муқаддас бурчидир!

М. ХАЛИЛОВА,
Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоятидаги вакили



Ёшлар шижоати

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг Ёшлар кенгаши томонидан «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 та кўчат — менинг туҳфам» шиори остида Поп туманидаги 37-умумтаълим ўрта мактаби ҳудудида бўш ётган 0,7 га майдонида «Ёшлар кенгаши боғи» ва «Ёшлар хиёбони» ташкил қилинди. Бунда касаба уюшма фаоллари, айниқса, ёшлар кенг жалб қилинди. Яратилган боғга 350 туп мевали ва 50 туп манзарали кўчатлар экилди, гулзорлар ташкил қилинди.

Бугунги кунда кўчат оралиғидаги бўш ерларга қишлоқ хўжалик экиллари экилмоқда. Ушбу боғ келажақда ёшларнинг севимли дам олиш масканига айланади, деган умиддамиз.

Д.ДЕҲҚОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг Ёшлар кенгаши раиси

● Муносабат

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Республика касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувнинг имзоланишини Федерациянинг V Курултойи резолюцияси ва Ҳаракат дастурида белгиланган ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар юзасидан дастлабки эришилган ютуқлардан бири деб эътироф этиш лозим.

Мухим ҳужжат

Мана, ниҳоят, узоқ вақтдан бери кутилаётган — республика Ҳукумати ҳамда иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари билан бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳусусида келишиб, фаолият юритишнинг умумий принципларини белгилаб берувчи норматив ҳужжат пайдо бўлди.

Ижтимоий шерикларда жамоа келишувларига ёндашувнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилмаганлиги туфайли ҳозиргача «Бош келишув — тармоқ (тариф) келишувлари — худудий (минтақавий) келишувлар — жамоа шартномалари» тизимида пастдан юқоригача ўзаро боғлиқлик йўқ эди.

Бош келишув имзолангандан сўнг, ижтимоий меҳнат масалаларини тартибга солиб туриш бўйича уч томонлама республика комиссияси фаолиятини бошлади, бу комиссияларни минтақалар миқёсида ҳам тузиш имкони пайдо бўлди.

Бош келишувда Республика Конституцияси ва қонун ҳужжатларига риоя этиш, Ўзбекистон Президентининг стратегик кўрсатмаларини ижро учун қабул қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини биринчи ўринга қўйиш каби муҳим мақсадлар ифодаланган. Шунингдек, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бешта тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришга кўмаклашиш ҳам ўз аксини топган. Ижтимоий масъулиятни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида бундан буён ҳам тақсимлаб бориш тан олинган.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътиборга олинган. Бу борада норматив базани такомиллаштириш, юқори самарали жамоа ва шахсий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва соҳада узлуксиз таълим тизимини яратиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Ўйлайманки, жойларда ушбу масалалар бўйича тушунтириш олиб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Абдурахим Тўраев,

Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир

Келишувдан умидимиз катта

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзоланиши ҳақиқатдан катта воқеа бўлди.

Унда тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат бозорини янада ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш масалалари ҳар доимгидек ўз устуворлигини сақлаб қолгани бизни хушнуд қилди. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги, ижтимоий ҳимоя масалаларида фуқароларимиз энди ҳар жиҳатдан ишончли кафолатга эга дейиш мумкин. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш йўналиши орқали аъзолар манфаатлари ўз ҳимоясини топа бориши табиий. Шу боисдан Кенгашимиз фаоллари йиғилишида мазкур келишув амалиётдан келиб чиқадиган асосий масалалар ҳусусида ҳам атрофлича маслаҳатлашиб олди.

Вилоятимизда фермер хўжаликлари сони 3381 тани ташкил қилиб, уларда 63.408 киши меҳнат қилмоқда. Аграр секторда ислохотлар изчил давом эттирилаётгани натижа-сида вилоятда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,1 фоизга ўсди. Бундай кенг кўламли ишларни амалга ошириш замирида, аввало, деҳқон хўжаликлари ва фермерларимизнинг меҳнатлари ётади.

Асосий эътиборни аъзолар сонини кўпайтиришга қаратаётган бўлсак-да, ҳали амалдаги хўжаликлар билан тўла жамоа шартномалари тузишга эриша олганимиз йўқ. Шунинг учун ҳам баҳорги ишлар авж олган паллада фермерлар ёнида бўлишга, улар ишончига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига туҳфа сифатида деярли барча фермер ва деҳқон хўжаликларимиз далаларида ободонлаштириш ишлари авж олдирилган. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи фермерларимиз саъй-ҳаракати билан қишлоқ ва дала майдонларда янги-янги боғу роғлар барпо этилапти.

Шарифжон Худойқулов,
Агросаноат ходимлари касба уюшмаси
Навоий вилоят кенгаши раиси

● «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Маълумки, инсон кадр-қиммати баланд, саломатлиги ҳар нарсадан афзал. Мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, баркамол авлодни камол топтириш, оила сиҳат-саломатлиги, болалар парвариши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Пахтакор, Зарбдор ва Жиззах туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида фаолият юритаётган ходимларнинг ҳамда Зомин тиббиёт коллежида таҳсил олаётган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда касба уюшмаларининг муносиб ўрни бор.



Айни пайтда соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоят вакиллиги таркибида 282 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 4 та тиббиёт коллежи мавжуд бўлиб, улар 48 та бошланғич касба уюшма кўмиталарига бирлаштирилган. Уларда 18313 нафар касба уюшма аъзолари меҳнат қилади ва 9219 нафар талаба таҳсил олади.

— Сўнгги йилларда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 176 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилиб, «Осиё тараққиёт банки»нинг «Саломатлик-2» дастури асосида энг сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди, — дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоятидаги вакили Ҳамроқул Қодиров. — Қишлоқ жойларида тиббиётнинг замонавий инфратузилмаси барпо этилиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланди. Бир қанча тиббиёт муассасалари таъмирланди ва янгидан барпо этилди. Жумладан, Бахмал туман тиббиёт бирлашмаси қайтадан қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Жиззах, Зомин, Арнасой туманлари ва Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмалари таъмирланиб, бугунги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Вакилликда ижтимоий шериклик янги мафкуравий йўналиш сифатида қабул қилиниб, уни амалга ошириш механизми, шакл ва услубларини такомиллаштириш, меҳнат шароитларини яхшилашда, ёшларни тарбиялаш-

да, ходимларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш, молиявий-ташкилий вазифаларни амалга оширишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳамкорлик натижасида ижтимоий ривожланиш, соҳа ходимларининг турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, соғломлаштириш каби масалаларга оид жамоа шартномалари тузилиб, улар меҳнат шарт-шароитлари мезонларини мувофиқлаштирувчи, шунингдек, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги му-

носабатларни барқарорлаштирувчи ҳужжатга айланди.

Тиббий муассаса ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоялаш бўйича ўтган йилда 548 нафар хотин-қиз, 256 нафар ҳомиладор аёл, жами 804 нафар ходимнинг ижтимоий, маиший шароити касба уюшма етакчиларининг аралашуви билан яхшиланди. Иш берувчи томонидан қонунга зид равишда ишдан бўшатилган 3 киши ишга тикланган.

Ҳар йили тиббиёт муассасалари билан касба уюшмалари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 205 нафар соҳа ходимларининг фарзандлари болалар оромгоҳларида дам олдирилмоқда. Бу мақсадлар учун биргина ўтган йилда 9 миллион 285 минг сўм маблағ сарфланди. 355 нафар ходим республикадаги тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳларга олиб борилди. Бунинг учун 10 миллион 69 минг сўм сарфланди. Соҳа ходимларидан 122 нафари республика касба уюшмалари Федерациясига қарашли сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди.

Қисқа қилиб айтганда, тиббиёт муассасаси ходимларини маънавий жиҳатдан юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фарзандларини баркамол этиб вояга етказиш учун амалга оширилаётган хайрли ишлар касба уюшмаларининг жамоадаги нуфузини оширмоқда.

Абдулла САИДОВ

Суратда: Ҳ.Қодиров вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли автобаза касба уюшма кўмитаси раиси Татьяна Маматқуловани тақдирламоқда.

● Сўхбат

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга зарур меҳнат шароитларини яратиш юзасидан бир қатор қонун лойиҳалари, эркинликлар яратилапти. Касба уюшмалари ҳам ўз вазифаси нуқтаи назардан келиб чиқиб, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий маънафатларини ҳимоя қилишда елкама-елка туриб ҳаракат қилмоқда. Бироқ бир қатор муаммолар ҳам борки, уларни бартараф қилиш зарурати туғилапти. Мухбиримиз Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгашининг Фаргона вилоят бўйича вакили Иброҳимжон ҚУНДУЗОВ билан шулар ҳақида сўхбатлашди.

— Ўтган йили вакиллик-мизда қатор ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди Иброҳимжон Қундузов. — Жумладан, соҳада ялпи тушум тушириш 132,8 фоизни ташкил этди. Агар 2009 йили савдо ходимлари ва тадбиркорларнинг 25 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олган бўлса, 2010 йили бу кўрсаткич 137 нафарга етди. 59 нафар ходим учун сиҳатгоҳларга йўлланма берилди. Савдо ходимлари ва тадбиркорларнинг 227 нафар оила аъзосига оромгоҳларда дам олиши учун шароит яратилди.

Вилоятдаги бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ва

Муаммо

ободонлаштириш ишларида ҳам фаол қатнашидик. Фаргона шаҳридаги компьютер технологиялари, маиший хизмат ва педагогика коллежлари талабалари иштирокида спорт мусобақалари ташкил этилди. Жойлардаги касба уюшмалари раҳбарлари ва фаоллари иштирокида куннинг долзарб масалаларига бағишланган тадбирлар уюштириб борилди.

— Хабаримиз бор, ечимини кутаётган айрим му-

аммолар ҳам мавжуд...

— Тан олиш керакки, тармоғимиз касба уюшмалари таркибидаги оқсаётган тизимлардан бири. Бу, аввало, аъзоларни жалб қилишдаги муаммолар билан боғлиқ. Авваламбор, вакилликимизда аъзолар сонини кўпайтиришга катта эътибор қаратганмиз. Бунда турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган касба уюшмаларини тиклаш ва улар билан узвий алоқа боғлашга ҳаракат қилишимиз.



Меҳнаткашлар манфаати устувор

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва иқтисодий кафедрасида малакасини ошираётган тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун касба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифаларига бағишланган ўқув ташкил этилди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Элбек Миржўраев касба уюшмаларининг бугунги кундаги далзарб масалаларига эътибор қаратди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Махмадалиев мавзунини давом эттирган ҳолда ушбу жамоат ташкилотининг жамиятда тутган ўрни, асосий вазифалари ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Ўқувни ташкил этишдан асосий мақсад ҳам фаолларимизнинг жамиятдаги ислохотлар жараёнига янада чуқурроқ кириб боришига кўмаклашиш ҳамда касба уюшма ташкилотларининг бугунги кундаги вазифалари нималардан иборат эканига диққатни жалб этишдир. Чунинчи, соҳасининг билимдони, аъзолар манфаати йўлида куюнчак бўлган инсонгина ташкилотимизнинг амалий фаолиятини янада такомиллаштиришга ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса кўша олади.

Шунингдек, ўқув дастурига мувофиқ ЎзКУФК бўлим мудири Махмуд Исаев меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида

касба уюшмаларининг фаолияти ҳамда жамоа келишувлари ва шартномаларининг моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берди. Жумладан, Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувларининг аҳамияти ҳамда жамоа шартномаларининг тузилиши, имтиёзли жиҳатларига урғу берди; иштирокчилар эътиборини жамоа шартномаларининг тавсиявий тузилмасига ҳам қаратиб, бандма-банд Меҳнат кодекси билан асослаган ҳолда изоҳлаб тушунтирди.

Семинарда тармоқ Марказий кенгаши меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассис Р.Шокаримов «Тиббиёт муассасаси ва ташкилотларида техник хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси тўғрисида», ЎзКУФК юридик бўлими мудири А.Рисқуллаев «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва меҳнат қонунчилигининг устувор йўналишлари» ҳақида маъруза қилдилар.

Иштирокчилар ўқув давомида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар ҳамда тармоқдаги мавжуд муаммолар юзасидан амалий чоралар кўришга келишиб олинди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Масъулият

Шарафли вазифалар зиммамизда

Касб деган сўзнинг моҳияти аслида ҳимоядан иборат. Зеро, рўзгорбоши ўз касб-кори билан оиласини, болачақасини очликдан, иссиқ-совуқдан муҳофаза қилади.

Бирлашган кўмитамиз теварагига 4400 нафарга яқин ана шундай масъулият соҳиблари уюшган. Гап шу ҳақда кетар экан, иш берувчиларнинг маошдан бирор сўм муддати ўтган қарзи йўқлигига эътиборни қаратгим келади. Бугун илгариги иш услублари билан касба уюшмалари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариб бўлмаслиги аён. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг V, Республика таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг IV Курултойлари қарорлари ишимизда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Янгича ишлаш тўғрисида гап кетар экан, фикримча, касба уюшмалари шунчаки назорат ва йўл-йўриқлар воситаси билан эмас, ташкилотчилик, тарғиботчилик билан иш юритиши лозим. Бу молия ва фазначилик, халқ таълими бўлимлари ҳамда таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси ҳамкорлигидаги жамоа келишувида ўз ифодасини топди. Тўрт томонлама битим 2010-2012 йилларга мўлжалланган бўлиб, катта амалий аҳамиятга эга. Унда ҳар бир томоннинг зиммасидаги мажбуриятлари аниқ кўрсатиб қўйилган. Мақсад ягона: халқ таълими ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маънавий ва интеллектуал манфаатлари замон талаблари даражасида ҳимояланиши ва шунинг натижасида таълим-тарбияда юксак самарадорликка эришишдан иборат.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тумандаги

мактабларнинг барчаси янги қиёфага кирди. Уларни компютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминлашга уч миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Тармоқда касба уюшмаларининг қамрови кенгайиб, масъулиятни ошиб бормоқда. Дейлик, мамлакат ижтимоий-иқтисодий муҳитининг муҳим бўғини бўлган халқ таълими соҳаси «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросида ҳам ўз ўрнини топиб олиши зарур. Айни кунларда бу борада қатор амалий ишларга қўл урилди.

Масалан, 28-умумий ўрта таълим мактабида «Бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмаймиз» ва 39-мактабгача таълим муассасасидаги «Муассасамизни гулларга буркаймиз» мавзусидаги вилоят миқёсида ўтказилган семинарлар таълим ходимларига туманимизда олиб борилаётган тадбиркорлик фаолиятининг айрим қирралари билан танишиш имконини яратди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларимизда ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир қирққа яқин субъект қошидаги иссиқхоналарда цитрус мевалари, помидор ва қарам, шунингдек, турли хилдаги гул кўчатлари етиштирилади. Боғ ва экин майдонлари бир неча ўн гектарни ташкил этади. Бу ҳам ўқувчи-ёшлар учун ўзига хос сабоқ бўлиб, топилган даромад мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоя мақсадларига йўналтирилмоқда.

А.УСМОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Наманган туман бирлашган кўмитаси раиси

Натижада, ўтган йилнинг ўзида 9 та ишини тўхтатган касба уюшмаси ташкилотини тикладик. Бошқача айтганда, аъзолар 1000 нафардан зиёдга ортди деганидир. Ёки йил давомида ўн та нодавлат сектори корхонасида касба уюшма ташкилоти тузилиб, яна 200 нафар савдо ходими-

лардан бебаҳра қолмоқда. Бир мисол. Қува тумани «Матлуботсавдо» МЧЖда касба уюшмаси мавжуд. Мукаммал жамоа шартномаси тузилган. Унинг ижроси касба уюшма бошланғич ташкилоти томонидан таъминланиб борилади. Меҳнаткашлар учун тез-тез спорт мусобақалари,

эди. Қува «Матлуботсавдо» МЧЖ касба уюшмаси раиси ва икки нафар ходими билан бирга Фарғона туманидаги ҳамкасбларининг учрашувини ўтказдик. Касба уюшмасининг афзалликлари ҳақида ҳамкасблари оғзидан эшитганларидан сўнг ходимлар ва раҳбарда ҳам бизга нисбат-

мой сўғурта бадали тўлови қатъий амалга ошириляпти.

— Тармоқ касба уюшмаси вилоят вакиллиги бу йил қандай тадбирларни режалаштирган?

— Аввало, Федерациянинг V Курултойида эълон қилинган мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига ҳар

биркорлик субъектлари ҳовлиларида, йўллар бўйида 300 туп узумнинг турли навлари ва 500 тупдан ортиқ манзарали дарахтлар ўтқазилди. Бундан ташқари, «Кичик бизнес — мамлакат тараққиётида юксак омил» мавзусида ўқув-семинар ўтказмоқчимиз. Соҳа вакиллари иштирокида кўплаб спорт мусобақалари, мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ҳам режалаштирилган. Йил охирида эса «Кичик бизнес — улкан бизнес» шиори остида кўрик-танлов уюштирилади. Унда йил мобайнида энг яхши натижага эришган корхона ва ходимлар аниқланиб, мукофотланади. Вилоятда фаолият кўрсатаётган барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида касба уюшма ташкилотлари тузиш, улар ишини талаб даражасида йўлга қўйиш биринчи галдаги вазифамиз бўлиб қолади.

«Ishonch» мухбири
Алишер ИБОДИНОВ
сўхбатлашди

Ва муваффақият

ни касба уюшмалари ҳимоясига олдик. Аммо, савдо ва кичик бизнес субъектларида ишчи-хизматчилар сони чекланган. Уларнинг аксариятида ишчилар икки-уч нафарни ташкил этади. Шунингдек, кичик бизнес корхоналари раҳбарлари асосан ёшлар бўлиб, аксарияти касба уюшмасининг қанчалар муҳимлиги ҳақида тасаввурга эга эмас. Натижада, уларда меҳнат қилаётган ходимлар тегишли ижтимоий-иқтисодий имтиёз-

ҳуқуқий, ижтимоий мавзудаги семинарлар, Наврўз, Хотинқизлар, Янги йил, Мустақиллик байрамлари ташкил қилинади. Уларнинг фарзандлари оромгоҳларда дам олдирилади. Хусусан, ўтган йили 12 нафар болаларга оромгоҳларга йўлланма берилди. Жамиятнинг 2 нафар ходими «Чимён» сўхатгоҳида соғлиқларини тиклаб қайтишди.

Фарғона туман «Матлуботсавдо» МЧЖда эса касба уюшмаси ташкил этилмаган

тан ишонч уйғонди. Бу ерда касба уюшма ташкилоти тузилди. Бизнинг вазифамиз янги ташкил бўлаётган бошланғич ташкилотлардаги ана шу ишонччи оқлашдан иборат. Фаолиятимизни кенгайтириш учун, аввало, тарғибот-ташвиқот ишлари самарасини ошириш лозим. Иккинчидан, иқтисодий омиллардан ҳам кўпроқ фойдаланиш керак. Масалан, касба уюшмалари фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоаларида 0,2 фоиз ижти-

бир касба уюшма аъзоси 20 тупдан кўчат ўтқозиш ҳақидаги ташаббусни кенг ёйяпмиз. Мисол учун, Олтиариқ туманида тадбиркорларимиз мактаб, мактабгача таълим муассасаларида боғлар яратиш учун минг туп олма, гилос, ўрик кўчатларини харид қилишди. 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари касба уюшмалари раислари билан бирга кўчатларни ўтказишда қатнашишди. Савдо муассасалари, тад-

— **Аёл ўзининг нафосати, муҳаббати, садоқати ва оналик меҳри билан тенгсиз. Бугун у оиласи, фарзандларидан ортиб жамият тараққиётига ҳам ҳисса қўшмоқда. Замондош аёлнинг жамиятдаги ўрни кўпроқ нимага назорат қилинади?**

— Жамиятнинг маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Юртимизда хотин-қизлар давлат ардоғида. Олис қишлоқда фермерлик қилаётган аёлдан тортиб йирик корхоналарни бошқараётган раҳбаргача, боласини қалб кўри билан тарбиялаб, ватанини севиш, истиқлолга садоқат туйғусини сингдираётган онадан то мамлакатимиз қонунларини яратишда иштирок этаётган депутатгача, барча-барчасининг қалбида эл-юрт учун фидоийлик туйғуси мужассам, десам янглишмаган бўламан. Уларнинг ҳуқуқларини таъминлашда барча ҳуқуқий асослар етарли. Шунингдек, «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги халқаро, Халқаро меҳнат ташкилотининг «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишлар тўғрисида», «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги конвенциялари ратификация қилинган.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда хотин-қизларнинг меҳнат қилиши, ўз иқтидорини намойиш этиши учун етарли шарт-шароит мавжуд. Уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ўнлаб ташкилотлар орасида касаба уюшмалари энг нуфузли ҳисобланади.

— **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг иккинчи мажлиси қарорига асосан Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси қайта тузилиб, унинг Низоми тасдиқланди. Бундан кўзланган асосий мақсад нима?**

— Ушбу комиссиянинг устувор вазифалари аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва маънавий савиясини юксалтира бориб, Ўзбекистон касаба уюшма Федерацияси V Қурултойи ва Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларнинг жойларда тўла бажарилишини ташкил этиш ва таъминлашда ҳудудий хотин-қизлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий-услубий ёрдам беришдир. Қолаверса, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ишловчи аёлларнинг малакасини ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, касбга йўналтириш, ўқитиш, хавфсиз меҳнат шароити, иш берувчи-

нинг уларга адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, саломатлигини тиклаш масалаларида ҳам комиссия фаол иштирок этади. Шу билан бирга, ёшлар, айниқса, талаба қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ички имконият ва қобилиятини рўёбга чиқаришида ғамхўрлик кўрсатиш, ёш касаба уюшмаси лидерлари захирасини тайёрлаш, нисбатан кўпроқ иш ҳақи тўланадиган масъулиятли ишларда фаолият кўрсатишлари учун мавжуд имкониятларни янада кенгайтиришда қўмаклашади.

Тегишли меъёрий-ҳуқуқий имкониятдан тўлақонли фойдаланиши учун биз хотин-қизларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашимиз зарур.

— **Аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза-лашга қаратилган гендер**

риш ва ташишда аёллар учун йўл қўйилмаган оғирликлар миқдори белгиланиб, бундай ишларга ходимларни жалб этиш вақти қатъий тартибга солинди. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим корхоналарда аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш меъёрий талабларга жавоб бермайдилар.

Яна бир муаммо «ижобий дискриминация» ҳисобланади, яъни ёш болали аёллар учун қонунчиликда белгиланган бир қатор имтиёзларнинг мавжудлиги уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик даражасини пасайтиради. Бизнинг вазифамиз мазкур имтиёзларни оилавий мажбуриятга эга барча ходимларга қўллаш, омавий тарзда ишдан озод қилиш, касбга ўқитиш, мансаб пиллаполярлардан кўтарилишда гендер квоталарини жорий этишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорлик қилади. Бу эса меҳнат соҳасида аёлларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш самарадорлигини ошириш имконини берапти.

— **Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг янги таркиби тузилди.**

— Давр ҳар биримиздан янада фаолроқ ҳаракат ва ишлатишни, халққа яқинлашишни талаб этапти. Республика комиссиянинг янги таркибига замон билан ҳамқадам одимлайдиган, эл манфаати учун фидоий ва жонкуяр, энг муҳими, элга наф келтиришни олий саваб деб билган 19 нафар касаба уюшмаси фаоллари жамланган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси таклифига мувофиқ улар бешта гуруҳга бўли-

Унда аъзо ташкилотлар ва Наъвоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшма кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари ва фаолларидан иборат тингловчилар бир ҳафта мобайнида билимларини оширишди. Меҳнат кодексининг аёлларга нисбатан амалиёти, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, гендер ҳамда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласининг жамоа шартномалари ва келишувларда акс этиши каби мавзуларда маърузаларни тингладилар.


Хуллас, касаба уюшмаси тизимида эл ишига камарбаста, ташаббускор, халқни эзгуликка бошлайдиган етакчи ва мутахассис аёллар кўп. Уларнинг барини битта эзгу ниёт — инсонга наф келтириш орзуси бирлаштириб турибди.

— **Сиз IСЕМ касаба уюшмалари конфедерациясининг Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Кавказорти ҳудуди бўйича хотин-қизлар қўмитаси раиси, шунингдек, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент виллоят бўйича вакилиси. Бу борадаги ишларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?**

— Халқаро ташкилотдаги фаолиятимиз алоҳида мавзу. Тармоқ касаба уюшмамиз тасарруфдаги корхона ва ташкилотларда 10740 нафар хотин-қизлар меҳнат қилади. Жамоа шартномаларида корхонанинг иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда аёллар учун ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар акс эттирилган. Масалан, ҳомиладор ҳамда 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларни тунги ва иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш ман этилган. Вакилик тизимидаги корхоналарда ишлаётган 3286 нафар ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган аёлнинг иш жойи аттестациядан ўтказилди. Аёлларнинг меҳнат ҳамда санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, оғир кўл меҳнатини механизациялаштириш, соғлигини назорат қилиш барасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

«Максам-Чирчиқ» ОАЖда хотин-қизлар ўртасида маданий тадбирлар яхши йўлга қўйилган. Корхона ҳисобидан тиббий реабилитация марказига 180 нафар аёлга имтиёзли йўлланма ажратилиб, бунга 36 млн.387 минг сўмлик маблағ сарфланди. 83 нафар ёш болали ёлғиз оналарга 8 млн. 178 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Бу каби эзгу ишлардан «Тошкентгазтаъминот» УК ҳамда «Анрен ИЭС» ОАЖда меҳнат қиладиган аёллар ҳам баҳраманд. Кўриниб турибдики, жамиятимиз кўрки бўлган аёллар манфаати учун ҳимоят қилиш Ватан ва мустақиллик олдидаги шарафли бурчимиздир.

«Ishonch» муҳбири Амина ҚОДИРОВА сўхбатлашди



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда ХАЛИЛОВА билан сўхбат

Аёлга шодланмоқ ярашгай

— **Бу эса, ўз-ўзидан касаба уюшмасига аъзо аёллар фаолиятини янада жонлантиришни тақозо этади.**

— Касаба уюшма ҳаракатини мустаҳкамлашда аёллар фаол иштирок этаётганини таъкидламай бўлмайди. Айни кунда 3 млн. 3 минг нафарга яқин, бошқача айтганда, 48,9 фоиз хотин-қизлар касаба уюшмасига аъзо бўлиб, ишлаб чиқариш жамоаларининг ҳаётига киришиб, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшмоқдалар. Бу эса аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, мамлакат ҳаётидаги роли орттиришига имкон яратмоқда.

Раҳбар аёлларнинг нисбатан кўпроқ қисми соғлиқни сақлаш, маданият, таълим ва фан соҳаларида меҳнат қилмоқда. Қувонарлиси, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари бўлмиш корхоналарнинг кўпчилиги аёллар томонидан бошқарилапти, бу ўзбек аёлларининг тадбиркорлик салоҳияти юқорилигининг тасдиғидир.

Амалиётнинг кўрсатишича, касаба уюшмалари учун меҳнат шароитлари тўғрисидаги жамоа музокараларида айнан аёл раҳбарлар билан тил топиши осон кечади. Долзарб муаммолардан бири аёлларнинг меҳнат шароитларини, улар меҳнатини муҳофаза қилишни яхшилаш ҳисобланади. Касаба уюшмалари жамоа музокараларида аёлларнинг манфаатларини корхоналарда жамоатчилик асосида тузилган комиссия аъзолари орқали ҳимоя қилади. Комиссия фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жумладан, Олий Мажлиснинг

таълим масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Республика ҳукумати томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар хотин-қизларга нисбатан тенг ҳуқуқ ва эркинликлар, хотин-қизлар ва эркаклар учун бир хил имкониятлар принципини амалга оширишни кўзда тутган давлат сиёсатининг стратегиясини белгилаб беради. Гендер тенглик муаммоси ечимини топишга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ҳеч қандай камситиш мавжуд эмас. Бунда ҳукумат, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг хизмати катта. Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол боқиб ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи йирик корхоналар, шунингдек, касаначилар ўртасидаги кооперацияни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали ҳар йили минглаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, уларнинг 40 фоизидан кўпроғи хотин-қизларга тегишлидир.


Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Федерация кенгаши ишловчи аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол қатнашаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, ноқулай меҳнат шароитида бажариладиган ишлар рўйхати белгиланди, бундай ишларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланди. Шунингдек, ўта зарарли ва ўта хавфли ишлар рўйхати, юкларни қўлда кўта-

риш ва ташишда аёллар учун йўл қўйилмаган оғирликлар миқдори белгиланиб, бундай ишларга ходимларни жалб этиш вақти қатъий тартибга солинди. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим корхоналарда аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш меъёрий талабларга жавоб бермайдилар.

Амалиётнинг кўрсатишича, касаба уюшмалари учун меҳнат шароитлари тўғрисидаги жамоа музокараларида айнан аёл раҳбарлар билан тил топиши осон кечади. Долзарб муаммолардан бири аёлларнинг меҳнат шароитларини, улар меҳнатини муҳофаза қилишни яхшилаш ҳисобланади. Касаба уюшмалари жамоа музокараларида аёлларнинг манфаатларини корхоналарда жамоатчилик асосида тузилган комиссия аъзолари орқали ҳимоя қилади. Комиссия фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жумладан, Олий Мажлиснинг

ниб иш олиб боришади. Барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Муъссар Раҳимова, Меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий масалалар бўйича Ўзбекистон енгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Маъмура Адилова, Ижтимоий-иқтисодий ҳимоя бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Клара Шоюсупова, Маданият-маърифат, спорт-соғломлаштириш бўйича Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири Маҳмуда Мурзаева, Тарғибот-ташвиқот ва ОАВ билан ишлаш бўйича Федерация кенгаши матбуот котиби Мухаббат Ўрмонбекова гуруҳ раҳбарлари этиб сайланди. Шунингдек, сифимизда Раҳбар Раҳмонова, Насиба Тиллаҳўжаева, Ойсулув Нафасова, Эътиборхон Раҳмонова, Азиза Орифбаева, Мавлуда Шукурова, Алла Долженкова, Ирода Набиева каби касаба уюшмаси фахри ва жонкуярлари жамланганки, улар билан жуда кўп масалаларга ечим топиш мумкин.

Барча ҳудудий кенгашлар ҳамда корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари қошида ҳам шундай комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Яқинда комиссия аъзоларининг ЎзКУФКнинг Ўқув марказида ўқув-семинари ташкил этилди.



Бугунги кунда 1558 та бошланғич касабга уюшма ташкилотининг 601 тасига жамоатчилик асосида аёллар етакчилиги қилмоқда. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясига бирлашган касабга уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастурида касабга уюшмалари олдига аёлларнинг ижтимоий ҳимояси юзасидан кўйилган вазифалар шунчалар кўпки, уларни хотин-қизларнинг иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди.

Жумладан, хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аёлларни, ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари жамоа шартномалари ва келишувларга киритилиб, ўтган йилда ижтимоий шерикчилик асосида кам таъминланган 5300 та ёш оилага, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 1100 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди, 474 нафар аёлга туғишгача ва туғишдан кейин ҳақ тўланадиган таътиллари куни узайтирилди, 3232 та кам таъминланган боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари харид қилиб берилди.

Эъзозга, меҳрга муносиб

Ҳар ҳафтанинг чоршанба куни «Бошланғич ташкилотлар куни» деб эълон қилиниб, вилоят кенгаши аппарати ходимлари, шаҳар, туман бирлашган касабга уюшма қўмиталари фаолларининг амалий ёрдами ташкил қилинди. Бу жараёнда бошланғич касабга уюшма ташкилотларининг бошланғич хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, вилоят кенгаши қошида ташкил этилаётган доимий ўқув-семинарларда хотин-қизлар ҳуқуқлари, аёлларга берилаётган имтиёзлар, бандлик кафолатлари тўғрисида маърузалар ташкил қилинмоқда.

Инсон ҳаёти ҳар нарсадан азиздир. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид масалаларга жиддий муносабатда бўлинаётганлиги ҳам шундан. Касб касалликлари ва меҳнат жараёни билан боғлиқ жароҳатланишлар оқибатида ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни иш берувчилар томонидан қоплаш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Масалан, касб касаллигига чалинган боғотлик ўқитувчи Р.Хикметовага 267778 сўм миқдоридидаги бир йўла тўланадиган нафақа ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун ҳар ойда тўланадиган тоvon пуллари иш

берувчидан мажбурий ундириб берилди. Ҳуқуқий манфаатлари поймол этилиб, касабга уюшмасига мурожаат қилган 27 нафар аёлнинг аризаси ўз вақтида ўрганилиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари биз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хўш, бизнинг бу йўналишдаги фаолиятимиз нималардан иборат бўлмоқда? Қолаверса, ишлаётган туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга етарлича эътибор қаратилмаптими? Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида мониторинг ўтказилиб, натижалари жамоатчилик ўртасида таҳлил қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида»ги қарори зиммаимизга янада янги вазифаларни юкладди.

Аёллар ўртасида спортни ривожлантириш, оммалаштириш, уларни ва улар орқали оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб қилиш, жисмоний чиниқтириш ва соғлигини мустаҳкамлашга қарата Аёллар спартакиадаси ва «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақаларини ўтказиш аъёнага айланган. Шу аъёнага давом эттирган ҳолда VII Аёллар спартакиадаси 3 босқичда ўтказилиб, унга 3 мингга яқин хотин-қизлар жалб қилинди.

Урганч Давлат университети санаторий-профилакторийси қошида кам таъминланган, иқтидорли талабалар учун чет тилларини чуқур ўргатиш ва спорт-соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ҳар йили икки навбатда талабаларни соғломлаштириш йўлга қўйилган. Санаторий-профилакторийда ёш ходимлар ва талабаларни имтиёзли соғломлаштириш ҳам эътиборда.

**Зулфия ИСАЕВА,
Хоразм вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси ўринбосари**

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Фарғона вилоят кенгашида аёлларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, улар учун иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шароитлари соҳасида имтиёзлар яратиш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, аёлларни туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтириш каби бир қанча бандлар жамоа келишувлари ва шартномаларига киритилиб, амалда фойдаланиб келинмоқда.

Доимо эътиборда

Байрам арафасида вилоят кенгашида хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш мақсадида таълим муассасалари хотин-қизлари иштирокида турли кўрик-танловлар, оилавий спорт тадбирлари, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинди.

Хотин-қизлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши соврини учун уч босқичда спорт мусобақалари ўтказилди. Қизгин баҳслар якунига кўра фахрли 1-ўрин Учкўприк тумани, 2-ўрин Олтиарик тумани, 3-ўрин Марғилон шаҳар хотин-қизлар жамоаларига насиб этди. Мусобақаларнинг ҳудудий босқичларида 190 нафар аёл, финал босқичида 50 нафар аёл иштирок этди.

Байрам муносабати билан вилоят кенгашининг фахрий ва фаол аёлларидан 50 нафари моддий рағбатлантирилди. 25 нафар фаол аёл Марғилон телевидениеси томонидан уюштирилган «Аёлингги ардоқла, элим» номли байрам тадбирига таклиф этилди. Шунингдек, Қўқон Давлат педагогика институтига 130 нафар аёл педагог-ҳодим учун ҳам байрам дастурхони ташкил қилинди. 70 нафар аёлга институт касабга уюшмаси томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Д.ФОФУРОВА,

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши ташкилий бўлим мутахассиси



Боёвут туманидаги «Мадина Абдурашидовна» хусусий корхонасида бугунги кунда турли тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хунарманд Мадина Абдуқодирова бошчилик қилаётган корхонада ҳозирда 25 нафар хотин-қиз тикувчилик, зардўзлик, бисер тўқиш, тикиш-бичиш, сунъий гуллардан декоратив композициялар яратиш бўйича хунар ўрганишмоқда.

Муҳаммад КАРИМ олган сурат

Эркалар билан бир сафда аёлларнинг ҳам тадбиркорликка дадил кириб келиши соҳада яратилган имкониятларнинг демократик тамойилларга нечоғли мослигидан далолатдир. Мамлакатимизда

аёлларнинг фаоллигини, ҳуқуқий, маданий саводхонлигини янада ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Жумладан, аёлларнинг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги бўлган иштиёқини ўстириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ҳамкорлар билан ишлаш ва тажриба алмашишларига кўмаклашиш мақсадида турли давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари ташкил этилди. 2005 йилда фаолият бошлаган Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси ҳам ана шундай ташкилотлардан бири ҳисобланади.

700 га яқин тадбиркор аёлни жамлаган жамоат бирлашмаси ишбилармон хотин-қизларнинг малакасини, касбий кўникма ва ҳуқуқий билимларини ошириш баробарида, махсус режага асосан имтиёзли кредитлар олиб беришга яқиндан ёрдамлашмоқда. Бундан ташқари, бирлашмада ўтказиладиган турли ўқув курслари ва семинарлар ўзаро тажриба алмашишда қўл келаётди. Шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмитаси раислари, «Оила» маркази, адлия бошқармаси, божхона ва солиқ қўмиталари вакиллари, фаол, ишбилармон аёллар иштирокида ўтадиган тадбирлар аёлларнинг оила ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган касаначилик замирида катта мақсад мужассам, — дейди жамо-

ат бирлашмаси раиси Насиба Миродилова. — Муҳими, аёл ўз эҳтиёжини қондириш баробарида, оила бюджетига муносиб ҳисса қўшади. Айни пайтда, барча ишлаб чиқариш тармоқларида касаначилик йўлга қўйилган. Касаначилик аёлларга уйда ўтириб ишлаш, ишбай ҳисобидан даромаат олиш имконини берилади. Эътиборли томони, уларга ҳам меҳнат дафтарчаси очилади ва йилда бир марта меҳнат таътили берилади.

Бирлашма томонидан тадбиркор ва ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга методик ёрдам кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мунтазам ўтказиладиган турли учрашув, давра суҳбатларида тажрибали аёллар билан бирга соҳага энди кириб келаётган ёш тадбиркорлар ҳам таклиф этилади. Аёлларни касаначилик

ҳамда бошқа савдо ишларига жалб этиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан бирга махсус режа ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, аёллар нафақат иш билан таъминланади, балки улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маҳаллий ва халқаро савдо ярмаркаларида намойиш этилишига яқиндан ёрдам берилади. Бу борада 2008 йилдан буён Европа ишбилармон аёллар жамоат бирлашмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида жорий йилнинг сентябр ойида Ўзбекистонда халқаро анжуман ўтказилади. Унда Европа ишбилармон аёллар жамоат бирлашмасига аъзо давлатлар вакиллари қатори маҳаллий тадбиркор аёллар ҳам қатнашади. Анжуман доирасида ташкил этиладиган маҳсулотлар кўргазмасида эса маҳаллий тадбиркор ва ишбилармон аёлларимизнинг маҳсулотлари ҳам намойиш этилади.

— Фаолиятимни 2003 йилда бошлаган бўлсам, 2005 йилда Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жа-

моат бирлашмасига аъзо бўлдим, — дейди Олмазор туманидаги «Аъло.Омад.Ривож» МЧЖ директори Маҳлура Қодирова. — Корхонада кўрпа-ёстиқлар, замонавий кўринишдаги тўшак жилдлар, махсус кийим-кечаклар тайёрланади. Касаначилик асосида ишлаётган аёлларимиз учун барча шароитни яратиб берганмиз. Айни пайтда Андижон ва Бухоро вилоятларида қирқдан ортиқ, Тошкент шаҳрида эса йигирмадан зиёд аёллар касаначиликка жалб этилган. Себзор даҳасидаги Енгил-саноат касб-хунар коллежи билан тузилган шартнома асосида битирувчиларнинг малакасини ошириш ва иш билан таъминлашга ҳам яқиндан кўмаклашяпмиз. Жорий йилда корхонада амалиёт ўтаётган ўттиз нафар ўқувчи қизлардан йигирматасини ишга қабул қилиш режалаштирилган.

Аёл кишининг бўш қолмагани маъқул. Ишлаган аёл жамоат ишида ҳам, оилада ҳам фаол бўлади. Буни кундалик ҳаётимиздаги фаол тадбиркор аёллар мисолида кўришимиз мумкин.

Нарғиза АСАДОВА

Ишбилармон, тадбиркор

Азема — газетхон



Ҳамкасблар ҳақида холис фикр

Инсон боласи ўтган фурсат, орда қолган йиллар хотирасини ўзгача соғинч билан эслайди. «Ishonch»га кириб келган даврим ҳали-ҳануз ёдимда. Бу даргоҳда илк танишганим Фазилат опа Ҳожиқуллова бўлган. Ута шаддод, одамдаги қатъиятни кучайтириб юборадиган, хислатли бу аёл билан беш-олти йил елкама-елка ишладик.

Ўта вазмин бош муҳарриримиз Саидакром ака Саидвалиев эса ҳар бир воқеага холислик билан баҳо берарди. Гарчанд кўп йиллик тажрибага эга бўлмайлик, ижоднинг жўшқин қозонида қанча қайнамайлик, аввалига «Ishonch» билан ҳамоҳанг қадам ташлашга қийналганмиз.

Касаба уюшмаларининг серқирра вазифаларини ёритиш осон кечмаган. Ўн беш йиллик фаолият мобайнида ҳамон кенг қамровли юмушни қиррама-қирра кашф этиб келаяпман. Маънавий оламни юксалтириш замирида кўзга кўринмас машаққатли меҳнат ётганини ҳамма ҳам илғайвермайди. Таҳририят ҳаммиса бизни ана шу жиҳатни уқишга ундайди.

Муштарий, ходим сифатида газетанинг уч босқичли ижод йўлини кузатдим. Бу жараён замон руҳиятига монанд қадам ташланаётганидан далолат беради. Саидакром Саидвалиев, Мирғиёс Қаюмов муҳаррирлик қилган даврни таҳририятнинг ижодий тикланиши, барқарор жамоага асос солинган палла дейиш мумкин.

2006 йилда газета ўз қиёфасини кашф этди. Бир сўз билан айтганда, сўнгги беш йил ижод, изланиш ва юксалишга асос бўлди, десам ҳеч муболага бўлмайди. Фаолият мобайнида ана шу ўринни забт этиш учун тер тўккан ҳамкасб устозлар Азамат Мақсудов, Абдунаби Маннопов, Чори Латипов, Зайниддин Рихсиевнинг хизмати катта. Бугун эса том маънода яшарган «Ishonch» билан яшашимиз. Тиниб-тинчимас Жаҳонгир Шарофбоев, Тўлқин Шернаев, Довуд Мадиев ва бошқа қатор журналистлар ижодий жўшқинлик етакчилари бўлиб келишяпти.

«Ishonch» билан боғлиқ хотиралар, таассуротлар бир олам. Бир гал Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси (собик, ҳозирда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси) Носирхон Акбаров ҳузурига чорлаб, хўжаликларда ҳисобот-сайловларни ёритиш лозимлигини айтди. Тармоқ кенгашининг ўша даврдаги раиси Абдурашид Рустамов билан хўжаликлардан бирида бўлдик. Хўжалик касаба уюшма етакчиси маърузаси тингланди. Бефарводек кўринган ишчиларда сайлов жараёнида жонланиш яққол кўзга ташланиб қолди. Хўжалик аъзоларидан бири етакчини ўз ўрнида қолдириш таклифини ўртага ташлади. Шунда қўл кўтариб сўз сўраган бир аёлга навбат берилди. Адашмасам, у Хосият Бобоева дея ўзини таништирганди. Ҳамон ёдимда:

— Бизга ўз қобилига ўралиб қолган, ташаббусдан қочадиган етакчи керак эмас, — деб бошланғич кўмита фаолиятидаги қусурларни санаб ташлади. Одамларнинг номзоди қўйилган етакчига майли йўқлигини сезган тармоқ кенгаши раиси масала ечимини ҳам ўзларига ҳавола этди. Хуллас, шу куни янги раис сайланди. Изланувчан, серғайрат, одамлар ишончини қозонган одам ўзи кутмаган ҳолда касаба уюшма сардори бўлди. Гап сайлов етакчининг ўзгарганида эмас. Айтмоқчи бўлганимиз, касаба уюшмага сардорлик масъулияти ҳақида. Жамоатчи раҳбарнинг ҳар бир қадами ҳисобда. Одамлар эса уддабуронларга эргашади. Кўп йиллик иш мобайнида касаба уюшмага ана шундай фидойиларгина раҳбар бўлаётганини кўриб келаяпмиз. Улар ҳақида ҳаяжонланмасдан, энтикмасдан ёзиб бўладими?! «Ishonch» эса доим шундай одамларни излайди.

Юрт мустақиллигининг 20 йиллик муборак тўйи арафасида бизнинг газетамиз ҳам навқирон ёшга тўлди. Қаламни қайраб, енг шимариб турган жамоага ижодий кайфият ҳамроҳ бўлаверсин.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» газетасининг Самарканд
вилояти бўйича муҳбири

Миннатдорман



Адолат эгилади, аммо синмайди, деган гапда жон бор экан. Мен хизмат қилаётган жамоа маъмурияти ноҳақлик қилди. Ишлаб турган вазифамдан бўшатишди. Ёлғиз онаман. Қарамоғимда кекса отам ҳамда икки нафар фарзандим бор. Ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қийналиб қолдим. Руҳий тушқунликдан азият чекиб, охир-оқибат «Ishonch» газетаси таҳририятига мурожаат қилдим.

Шикоятим таҳририят томонидан ўрганилиб, газетада танқидий мақола эълон қилинди. Шундан сўнг иш берувчилар ўз хатоларини англаб етди. Қадрдон ишимга қайтдим. Мажбуран бекор юрган кунларим учун иш ҳақимни тўлаб беришди. Хатони англашнинг ўзи ҳам бир мардлик дейишади. Таҳририят аралашуви билан мендек мушкул аҳволда қолган ходим ва маъмурият ўртасидаги алоқа тикланди. «Ishonch»га бўлган меҳрим ҳамда ишончим яна бир қарра ортди.

Руқия БОБОЕВА,
Каттакўрғон туман
саломатлик
маркази ҳамшираси

20 ёш — навқирон, гўзал, куч-қувватга тўлган чоғ. Буни «Ishonch» газетасига қиёсан айтилса ҳам асло хато бўлмайди. У республика миқёсида ҳам энг нуфузли нашрлардан саналади. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори газета мазмун-мундарижасига айланиб кетганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

20 йил «ISHONCH» билан

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида газета ўзига хос минбар вазифасини ўтаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Айрим корхона ва ташкилот раҳбарларининг бефарқлиги туфайли ходимлар ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган ҳолларда «Ishonch» кўмақдош бўлаётгани таҳририятга катта обрў келтираётгани ҳам рост.

Турли мавзуларда берилаётган мақолаларнинг инсон руҳиятини кўтаришга хизмат қилаётганини айтмайсизми! Модомики, «Ishonch» навқирон ёшда экан, истаиманки, ижодий фаолиятида ҳам доимо ёшлик ҳисси жўш урсин.

Газетанинг заҳматкаш, изланувчан, ташаббускор муҳаррирдан тортиб энг кичик ходимларига қадар соғлиқ-саломатлик, ижодий парвозлар тилайман.

Худойберди НАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси,
Қарши тумани



ОАВнинг иқтисодий

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг демократик, ижтимоий-сийсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти жараёнидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, жамиятни содир бўлаётган воқелик юзасидан тезкор, тўла ва холис хабардор қилишнинг зарурий шarti — бу оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунгача оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, уларни моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг ижодий фаоллигини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Аммо шу билан бирга, бугунги кунда ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган яхлит

қонун мавжуд эмас. Шулардан келиб чиқиб, Президент Ислам Каримов томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг салбий таъсиридан самарали ҳимоя қилган бўлур эди. Бинобарин, мазкур қонун-

да оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий техникавий ва бошқа чоралари ўз ифодасини топиши лозим. Хусусан, зарурат туғилганда давлат оммавий ахборот воситаларига дотация бериши, улар томонидан кўрилган зарарларни қоплаш йўли билан иқтисодий қўллаб-қувватлаши, шунингдек ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш, ривожланган бозор муносабатлари шароитида оммавий ахборот воситалари эркинлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, ахборот соҳасидаги рақобатни назарда тутиш лозим.

Қонунда таҳририятнинг тадбиркорлик фаолиятини

Газета

Миллий қадриятлар минбари

Мақтабимизда ҳар душанба куни матбуот соати ўтказилади. Унда марказий ва маҳаллий нашрларни таҳлил қилиш одат тусига кирган. Куни кеча бўлиб ўтган матбуот соатида «Ishonch» газетаси таҳлил қилинди.

Газетанинг ранг-баранг рунклари остида чиқаётган мақолалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Адлия вазирлиги масъул ходими Акбар Набираевнинг «Пировард мақсади — кучли фуқаролик жамияти барпо этишдир» мақоласи, журналист Г.Жамилованинг «Биз қайси куйни тинглаётимиз!» мақоласи жуда қизиқиш билан тингланаиб мунозара қилинди.

ЎзМУ талабаси Гулираъно Орифжонованинг «Мангу наволар» мақоласидаги «Ёр-ёр», «Келинсалом»,

«Ўлан»ларни мактаб ўқитувчилари томонидан ижро этилиши, улар асосида сахна кўриниши тайёрланганлиги барчада катта таассурот қолдирди.

Газетанинг бундан кейин ҳам нафақат ижтимоий, ҳуқуқий, балки миллий қадриятларимизга катта эътибор билан қарашига тилакдошимиз.

Муҳидин РАҲМОНОВ,
Фаргона вилояти
Ўзбекистон туманидаги
24-мактаб касаба
уюшмаси кўмитаси
раиси

«Ishonch» ёшларимиз



Мени қувонтирган асосий нарсаси — бу ердаги мўътадил муҳит бўлди. Назаримда, ходимларнинг аксари кўнгилни асраб-авайлайдиган, самимий муносабатни шакллантира олган, энг муҳими, бир-бирига ижодкор сифатида қарайдиган кишилар. Айниқса, сўнгги йилларда сафга кириб келган ёшларга бўлган эътибор ўзгача. Уларнинг ҳар бир ижод маҳсули «адабий давра»мизда муҳокамадан ўтади. Хом жойлари бўлса, мақтовли жиҳатларга «ўраб» юборилади. Бу эса, бизни янада шижоат билан ишлашга, шу билан бирга, кўнгилда «ғимирлаб» юрган битикларни оққа кўчиришга туртки бўлади. Натижада, бир неча бадиий, тасвирий ва бошқа асарлар дунё юзини кўради. Масалан, умидли шоир ва публицист Акмал Тошевнинг «Мо-

ҳият лаҳзалари», «Фариштали кунлар», Шерзод Абдусаматовнинг «Соғинганим тупроқ кўчалар» шеърий китоблари, менинг бир нечта таржима китобларим чоп этилди. Салим Абдурахмоновнинг «Шарқ юлдузи» журнали, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Олтин қалам» газеталарида ҳикоялари эълон қилиниши, Назира Боймуродованинг халқаро фотоқўرғазмадаги иштироки, шахсий фотоқўрғазмалар ташкил этиши ҳам бу ерда ижодий муҳит яратилганидан далолатдир. «Ёшлар китоби», «Қашқадарё баёзи», «Олтин кўприк» каби алманнаҳларда ижод намуналаримиз босилиб чиққани ҳам бизга илҳом бағишлади.

Ўтган йилларда газетада эълон қилинган кўрик-танловларда иштирок этган ташқи муаллифлар билан бир қаторда таҳририят ёшлари ҳам рағбатлантириб борилмоқда. Бу орқали касбга тўла меҳр қўйиш баробарида, қилинган ҳар қандай меҳнатимиз беиз кетмаслигига амин бўлаёмиз. «Инсонга наф келтириш — олий бахт», «Мен — ёшликман» «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» танловлари ҳамда «Эътироф» грантида қўлга киритган ютуқларимиз бунга мисол бўла олади. Биргина 2010 йилда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамкорлигида эълон қилинган «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаб-

Бу кутлуг даргоҳга илк келишимда, таҳририят ходими бўлиш ҳаёлимда ҳам йўқ эди. Дўстлар билан дийдорлашиб қайтабганимда, бўш ўрин мавжудлиги ва яхши мақолалар ёзиб, ўзимни кўрсата олсам, ишли бўлишимни айтиб қолишди.

Қисқа фурсатда ишли бўлдим. Бироз муддат ўқиш ва ишни тенг олиб боришимга шароит яратиб берилди. Шушу, таҳририятга меҳр қўйдим ва бор кучим, иқтидорим билан менга билдирилган ишончни оқлаш, муносиб ходим бўлишга интилоқдаман.

бускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танловини олайлик. Танлов мазмун-мундарижасидан келиб чиққан ҳолда 100 дан ортиқ ижод намуналари орасидан энг саралари чоп этилди.

Унда тенгдошларимдан Акмал Тошев 6 та, Дилдора Раҳмонова, Наталья Соловьева, Акмал Абдиев 4 тадан, Нарзулла Махамов 2 та, Назира Боймуродова, Салим Абдурахмонов биттадан мақола билан иштирок этди ва муносиб тақдирланишди. Мен эса, энг фаол муаллиф сифатида «Маънавий кўприкдан жаҳон майдонига» ҳамда «Интилиш самараси» мақолаларим учун биринчи ўринга сазовор бўлдим ҳамда замонавий компютер жамланмаси билан тақдирландим.

Эҳтимол, кимнингдир, наздида бу ишларда адолатсизлик бордай туюлар. Аммо «Ishonch»нинг бундан-да раванқ топишида мана шу ёшлар хизмати беқиёс бўлишини ҳисобга олган ҳолда, бундай эътиборни холис баҳолаш мумкин. Менимча, биз мақтанмаёмиз ҳам. Балки 20 ёшга тўлган газетамиз билан фахрланишимиз, унинг эътибор ва рағбати бизни қувонтириши баробарида зиммамизга катта масъулият юклашини эътироф этмоқдамиз. Биз сенга муносиб бўлиш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз, «Ishonch»!

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
мухбир

«Ishonch»га жавоб берадилар

Керакли дори билан таъминланди

Бухоро тумани Мучавс қишлоғида яшовчи Х.Хуррамовнинг шикоятини ўрганиб чиқдик. Текшириш жараёнида шикоят муаллифининг руҳий касал ўғли учун бир неча марта Бухоро шаҳридаги 1-марказий дорихонага бориб, керакли дориларни ололмаганлиги маълум бўлди.

Бу борада муайян чора-тадбирлар кўрилиб, Республика «Дори-дармон» акционерлик компанияси ёрдамида Х.Хуррамов керакли дори билан таъминланди. Марказий дорихона раҳбарияти ва ходимларига намунали хизмат кўрсатиш бўйича тушунтириш берилиб, бундан буён беморга рецепт бўйича дорилар етказиб бериш топширилди.

Я.РАВШАНОВ,
Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси
бошлигининг биринчи ўринбосари

асослари

даромад олишининг қонуний асослари аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Хусусан, қонунда эфир вақтини ва ўз маҳсулотини реализация қилиш, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар, реклама жойлаштиришга босма нашрдан жой бериш, абонент тўлови, тираж тушумлари, тайёрланадиган ахборот ва ахборот маҳсулотларини реализация қилишнинг бошқа шакллари — таҳририятнинг даромад манбалари сифатида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий давлатларда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотларни тарқатиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида кўшимча иқтисодий преференциялар яратиш кенг йўлга қўйилган. Мисол учун, Франция Республикаси қонунчилигида даврий босма нашрларнинг маълум бир вақтда чоп этилиши, улар ижтимоий фойдали эканлиги тан олинди, яъни инсон маданиятини оширишга, ду-

нёқарашни кенгайтиришга қаратилган бўлиши ва улар текинга тарқатилмаслик каби талабларга жавоб бериши лозим. Шундагина бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари беришни назарда тутган, ушбу имтиёзларнинг асосий турлари оммавий ахборот воситаларининг моддий базасини ривожлантиришга йўналтирилган даромад солиғидан озод этиш, қўшилган қиймат солиғининг камайтирилиши, божхона божидан озод этиш, журналистларнинг профессионал фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларга чеғирмалар қўйиш, даврий босма нашрларни тарқатишдаги почта тўловларини камайтириш, телеграф ва телефон хизматлари тўловларида чеғирмалар қўйиш кабилар ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, ушбу давлатда мақсадли харажатларни молиялаштириш учун субсидиялар ажратиш назарда тутилган. Мисол учун, баъзи бир ҳар кунлик умумсий газеталарга, агар улар рекламалардан етарли даромад ололмаган бўлса ҳамда бюджет ва ижтимоий сугурта

фондларига тўланадиган тўловлар бўйича қарзлари бўлмаса, субсидиялар ажратилади.

Шунингдек, Буюк Британияда ҳам кўпгина телевизион компанияларга мақсадли субсидиялар берилади. Дейлик, бундай субсидия Уэльсда телеэшитиришни амалга ошириш учун ажратилади. Мақсад Уэльсдаги кам сонли миллатлар тилида дастурлар тайёрлашни қўллаб қувватлашдан иборат.

Умуман олиб қаралганда, оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш ва ривожлантиришда улар фаолиятининг иқтисодий асосларини яратиш долзарб аҳамият касб этади. Бу ўринда, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ж. МУРОТОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун
ҳужжатлари мониторинг
институтини етакчи
илмий ходими

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бугунги кунда 1000 дан зиёд иқтидор ва истеъдод соҳибларини ўз атрофида бирлаштирган бўлиб, улар орасида Зарина Амонтурдиева ҳам бор.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази чин маънода Зарина учун имконият эшикларини кенг очди.

Омади кулган қиз

— Ўзим санъат коллежи талабаси бўлсам-да, ёшлар матбуот маркази ташкиллаштираётган лойиҳаларда мунтазам равишда иштирок этишга ҳаракат қиламан. Қолаверса, «Ёшлар телестудияси» томонидан кўрсатувлар ҳам тайёрлаб тураман, — дейди З.Амонтурдиева. — Марказга келиб, билимимни ошириш учун ОАВ йўналишига аъзо бўлгандим. Маҳорат дарсларида қатнашиб, ўз касбининг усталари ҳисобланган профессионал журналистлар кўмағида тажриба ва малакамни мустаҳкамлаб бордим. Марказ менинг ижодий юксалишим учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар нарсадан янгилик изловчи ҳамда мусиқа санъати ижодкори Зарина қатор лойиҳаларни амалга ошириб, журналистикага қизиқувчи ёшларни марказ атрофида бирлашиб, бир жамоага айланишида ўз иштироки билан муносиб ҳисса қўшмоқда.

Зарина Y-PEER халқаро ёшлар тармоғининг «Репродуктив саломатлик» номли 5 кунлик семинарида қатнашди ва шу номдаги ижодий мақолалар танловида голиблик дипломини қўлга киритди.

Термиз санъат коллежининг II босқич талабаси Зарина илм даргоҳида ўтказиладиган байрам ёки турли саналарга бағишланган тадбирларда ўзининг сценарийлари билан иштирок этиб келади. Унинг «Салом ёшлар, салом келажак!», «Таъзим сизга, устозлар!» ҳамда «Юксак маънавий — енгилмас куч» асари юзасидан «Кўғирчоғим — овуноғим» номли маънавий-маърифий тадбирлари вилоятнинг деярли барча нуқталарида муносиб кутиб олинган.

Дарвоқе, 2008 йилда Заринанинг «Қалб тугғени» номли шеърий тўплами нашр этилди.

Бунёд МУРОД,
«Янги авлод — 2010» болалар ижодий фестивали
лауреати

Турсунбой БОЙМИРОВ



— Бу кунни ўн йил кутдим. Одамларга сўз берганман. Кўпқари берасан. Тамом, — деди отам қатъий.

Нима ҳам дейман. Отага итоат этиш — фарзанднинг бурчи. Кўпқари бўлса, кўпқари-да.

— Ота, — дедим ботинмайроқ, — айтганингиз бўлади. Илтимос, тўйнинг баковули ўзимиздан бўлсин. Норсафар домла фирромликни билмайди. Чавандоз. Тўғри сўз одам.

Отанинг важоҳати бузилди.

— Нималар деяпсан? Бу гап кимдан чиқди? — кўзимга тикилди. — Баковулликни Чори қиладди. Бобоси билан бобом худонинг номини ўртага қўйиб, дўст тутинган. Отам отаси билан бир бурда нон топса, иккига бўлиб еган. Чори билан мен ҳам шундай. Олтмиш йилдан бери яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиб яшаб келаяпмиз. Ўтган йили Абдурасулнинг тўйида қишлоқ кексаларидан дуо олгандим. «Ўғил не-вара кўрсам кўпқари бераман. Баковул Чори бўлади» деб. Хасан-Хусан набирали бўлдим. Лафз ҳалол.

Тил-забонсиз қолдим. Отамни хафа қиламан, деб уйламагандим. Бошқа ишларга машғул бўлдим. Ҳали-вери жаҳлдан тушмайдиганга ўхшайди. Заҳрини амакимга тўқди.

— Ота-боболаримиз бегона, мусофир кишидан сўрар экан: «Кимсиз, оға?» «Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман!», жавоб бераркан мусофир. Бу юмшоқ жавобнинг тагида инсоннинг инсонга нисбатан ҳурмати бор. Агар дабдурустдан «Ўв жўра, миллатинг нима, қайси элдансан!» деб сўралса, кўполлик қилган бўлмайдимми? Ўша нотаниш одамнинг кўнглига озор берган бўлмайдимми?

— Узоқбой ҳали ёш, — отамни мурсага келтирдим амаким. — Бил-

масдан гапириб қўйди. Худога шукур, оилада сизнинг гапингиз икки бўлмайди. Болаларингиз маслаҳатингизга қулоқ солишади.

Чуқурли қишлоғи билан Қоранқўл қишлоғини Катта Ўра дарёси ажратиб турарди. Лекин уларнинг эту тирноқ бўлиб яшаб келаётганига неча аср бўлганини ҳеч ким айтиб беролмайди. Тўйдош, бир мақсад ва маслак йўлида яшаб келаётган тоғли икки элнинг дўстлиги, куда-андалигига бошқа уруғларнинг ҳаваси келарди. Тақдир уларни Одамбормас даштида яна бири-бирига туташтирди. Мана гулистонлик бўлиб яшаётганларига ҳам қирқ йил бўлапти. Ёшлар ёшлари билан, қариялари тенгқурлари билан аҳил-иноқ. Маҳалла раиси ўзбек бўлса, қотиби тожик ёки аксинча. Бу эса бирликнинг, дўстликнинг намунаси, албатта.

Бутун маҳалла тўйга айтилди. Кексалар йиғилишиб, маслаҳат қилишди. Эшбой бобо дуо берди.

Кўпқарига гурос-гурос отликлар келишди. Ҳар отки, кўкка сапчиб, ер тепинади. Ҳа, бўладиган элда, урф-одатларини унутмайди. От боқиб, кўпқарини хумор қилиб яшаётганлар борлиги ҳам бир давлат. Бойлик бўлганда ҳам шундай бойликки, пулга чақилмайди.

Майдон отлиғу томошабинлар билан тўлди. Чавандоз йигитлар отларини кўпқарига шайлаб, улоқ келишини кутишарди. Мана улоқ ҳам келди. Чори баковул уни тақимига босиб, кўпқари тартибини тушунтирди.

— Қани элатим, паҳлавонларим! Қўлни очиб, Шоймардон оқсоқолнинг набирасига дуо беринглар. Тўй шоду хуррамлик билан ўтсин, омон-эсон тарқалсин. Ўғил неваралари кўпайиб, тўйболалар паҳлавон бўлсин. Ушбу кун ҳаммага қарз бўлсин, ният бўлсин. Кўпқари давом этсин. Омин!

Халқ дуога қўл очди.

— Омин, омин!

Яна баковулнинг баланд

ҳайқирғи эшитилди.

— Улоқни билагида кучи, белида қуввати бор чопади. Кўпқари — мардлар ўйини. Саксон-тўқсон килолик улоқни тўдадан ориятли йигит олиб чиқади. Бунда фирромлик бўлмайди. Чаппақайиш, ип солиб, эгарга боғламайсан. Кучингни билагинга бер. Биринчи зот — ўзимнинг номимдан. Бир қўй, юз минг сўм пул, бир гилам, борсин, бир серка ҳам қўшдим. Ҳалоллайсан!

Отлар сурилди. Бир пастда тўданинг ҳовури кўкка ўрлади. Кимдир шовқин солди.

— Кўтарилди!

Тўда аввал Қарши томонга, сўнгра Чим қишлоғи томонга оғди. Баковул қичқирганда ҳамма хушёр тортиди.

— Ҳалол! Ҳалол! Отанга раҳмат!

Шерматнинг тўриқ қашқа оти билан Норсафар чавандоз биринчи совриннинг эгаси бўлди. Томошабинларнинг бири олиб, бири қўйиб мақтай кетди.

— Ҳа, баччағарнинг оти. Тили йўқ-да.

— Тўда қаёққа қараб кетаяпти-ю, Норсафар чавандоз қаёқдан чиқиб келаяпти.

— От деганингиз ҳам чавандозга мос тушганда. Улоқ ўзида қолса, тўдадан отилиб чиқиб, бурилиб кетади.

Одамлар ҳам кўпқарини соғиниб қолган экан, олқишлаган ким, қувонган ким, ор талашиб майдонга тушган ким...

Кўпқари кун бўйи давом этди. Суннат тўйида кўпқари бериш ниятини кўнглига тугиб, уйига қайтганлар кўп бўлди.

Икки кундан кейин тўй қақирувчисининг қичқирғи эшитилди.


— Эртага ҳамма Баҳромниқига тўйга, ҳу-ув-в! Кўпқариси ҳам бор!

Чуқурли қишлоғи ям-яшил арчазорлар, ширин сувли чашмалар, атрофини қалъа каби ўраб олган ўрқачли тоғлар бағрида жойлашган. Лекин аҳолиси мана шундай баҳаво жойларни ташлаб, Чим хўжалиги ҳудудидаги Одамбормас деб аталган даштга кўчиб келишган.

Соя-салқинда юрган, фақат тирикчилик, рўзгор ташвиши билан умргузаронлик қилаётган, эркаклари тўй-томошалардан, кураш, кўпқаридан боши чиқмайдиган, хотин-қизлари куви пишитиш, қоринга сариёғ олиш, оқ ўтов жиҳозлари ва ўрмак тўқиш ҳамда рўзгор ишлари билан банд бу халқ ёзнинг жазирама иссиғи, қишнинг қаҳратон кунларида қандай кун кўраётганларига қизиқиб, бу ташаббуснинг даъваткорларидан бири Алиёр бобо Зарипов билан қирқ йил муқаддам учрашгандим. Тўғриси, отабоболари униб-ўсган, киндик қони тўқилган қишлоғини ташлаб, бир қултум сув танқис бўлган дашту биёбонга кўчиб келган аҳолининг матонатига ўшанда қойил қолгандим.

Яқинда йўлим шу томонга тушди. Кенглик бағридаги узукнинг кўзидек кўзга ташланиб турган мўъжазгина Гулистон қишлоғига маҳлиё бўлиб кузатиб кетаяпман. 3800 гектар ер ўзлаштирилиб, боғ-роғлар бунёд этилибди. Маданий-маиший иморатлар қад кўтарган. «Пахтабод» каналини тўлдириб, Чимкўрғон сув омборидан оби ҳаёт оқиб турибди. Йўллар асфалт қилиниб, Яккабоғнинг ширин сувидан халқ баҳраманд бўлмоқда. Ҳозирги кунда 64 фермер 2300 гектар ерда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришмоқда.

Асал бобо



Энди Одамбормасни чўлу биёбон деб айтиб кўринг-чи... Кичик шаҳарчани эслатувчи, боғу бўстон қўйнида яшириниб олган қишлоқ жамолини кўриб, айтган сўзингиздан ўзингиз уялиб қоласиз. Лимон етиштиришнинг ўзи катта бир даромад манбаи.

Алиёр бобо Зарипов бир кам тўқсонга кирибди. Ҳас-сага таяниб қолган.

Сухбатимиз дўстлик ҳақида бўлди.

— Биз тожиклар биродар-дўст ўзбеклар билан қадим замонлардан бери эту тирноқ бўлиб яшаб келаяпмиз, — мағрурланиб гурун берди бобо. — Отамнинг жонни ва Аллоҳ номини ўртага қўйган ўзбек дўстлари кўп бўлган. Қолаверса, ўзимнинг содиқ, ҳаётнинг оғир ва қувончли кунларида елкадош дўстларим ҳам кўп. Ўғилларимнинг ҳам бир қанча ўзбек йигитларидан дўст-оғайнилари бор.

Гулистон ҳам кўп миллатли қишлоққа айланган экан. Бир уй тожик хонадони бўлса, нариги уйда ўзбек оиласи яшайди. Тўйи бир, олди-берди бор. Тўйлари ихчам, камҳаражат. Бу аҳиллик Алиёр бобо, Йўлдош Бобонқулов, Панжи бобо Жалиловга ўхшаган қарияларнинг тарбияси ва ўғити ҳосиласидир.

Сафарим қариб, Алиёр бободан энди рухсат сўрамоққа оғиз жуфтлаётганимда, ташқаридан эркак кишининг овози келди:

— Асал бобом уйдадилар?

Алиёр бобонинг хайрли ишлари боис ҳамқишлоқлари Асал бобо дейишаркан.

Қўлини кўксига қўйиб, салом бериб уйга кирган киши: — Мени маслаҳатга юборишди. Раҳматли Хоним бобо тириклигида «Еттимни етти кунда қиласизлар», деб айтган экан. Таъзияга узоқ қишлоқлардан келган ўттиз-қирқ одамни етти кеча-кундуз сақлашнинг ўзи бўладими? Шунга сиз нима дейсиз? — деди Алиёр бобога.

— Одамлар-ей, — куюнди бобо. — Қосимбой ўғлига ет-тисини эртага ўтказ деб айтиб келувдим. Ҳозир шунча одамни йўлидан, ишидан қолдирадиган замонми? Бориб айт, эртага ет-тисини ўтказсин.

Келган одам хайр-хўш қилиб чиқиб кетди. Алиёр бобо кўнгли тинчимай мени ҳам эргаштириб таъзияхонага кетди. Чолнинг айтгани бўлди.

Ана шундай маслақдош, дуоғўй оталаримиз бўлмаганида ҳаёт бунчалик гўзал бўлмас эди назаримда.

Ё

мғир эринибгина томчиларди. Намчил ҳаво ҳузурбахш эди. Еру кўкни кўклам иси тутган. Баҳор гавжум шаҳарнинг овлоқ чеккаларига жуда эрта келади. Ҳали февралдаёқ йўл четларидаги майсалар ниш уриб, қиш бўйи ер бағирлаб ётган мойчечак барглари қад ростлайди. Келинларнинг қовоқ-тумшугидан чарчаган Ҳалима ўтган йили шу жойлардан чоғроққина ҳовли олди. Ҳовлиси шаҳар марказидаги уйлардек ҳашаматли бўлмаса ҳам тинч ва баҳаво эди. Йўлак бўйлаб экилган мойчечакларга қараб, ҳовлиси ҳали замон оппоқ гулларга бурканишини ўйлаб, кўнгли завққа тўлди: Баҳор, Наврўз!

Эрталаб Гулсум кўнгирак қилган эди. Эри Тошкентдан машина олиб келган эмиш, шунга тўрт-беш кишини чақириб, бир пиёла чой беришни ният қилган экан:

— Бўлди энди, араз қилиб юр-верманг. Мен атайлаб қилганим йўқ. Эрта-индин Наврўз...

— Кўйинг, Гулсум, ўзи ҳафтада бир кун дам олиш. Кир-чир, супир-сидир дегандай...

— Э-э, кўйинг шундай гапларни. Бешта кал болангиз бор-у, шулар ҳамма жойни тўзғитиб ётибдими? Улмаган менинг жоним, келасиз, гап тамом.

Уйда ҳеч юмуши бўлмаса ҳам Гулсумнинг уйига ҳеч боргиси йўқ эди. Ундан кўра тансиқ таом пишириб, онасини олиб келади. Она-бола маза қилиб...

Қалбига кирган баҳорий кайфият Ҳалиманинг режаларини ўзгартириб юборди. Турли-туман сабзавотлар ҳиди анқиб ётган ошхонасига киргиси келмади. Кўнгли қандайдир кенгликларни истарди. Ҳа, баҳор! У энг аввал томлари лойсувоқ ҳовлиларда яшовчи ғарибу мискинларни йўқлайди, остонасидан катта кўчасигача мрамар ётқизган бойваччаларни ҳам эътибордан қолдирмайди. Мрамару бетонлар четидан бир амаллаб чиқиб, ям-яшил табассумлар ҳада этади.

— Ҳа, баҳордай саховатли бўлиш қийин. Лекин Гулсумни кимга бораман, ҳасад қилгани учун келмади, демасин яна.

Улар мактабда бирга ўқишган. Иккаласи ҳам синфда норасмий сардор эди. Синфдош қизларнинг бир гуруҳи Ҳалимага эргашса, бир гуруҳи Гулсумнинг изидан юрарди. Ҳалиманинг Гулсумдан баъзи устун жиҳатлари бор эдики, бу унга сира ёқмас эди. Ҳалима жуда чиройли ва ҳаммиша дид билан кийинарди. Энг ёмони, синфдош йигитларнинг ҳаммаси Ҳалиманинг атрофида гирди-капалак эди.

Иккаласи ҳам дўхтирлик касбини танлади. Яна бирга ўқишди. Энди улар мактабдагидек бир-бирлари билан таллашиб-тортишиб юрмасда, ҳамшаҳарлар каби яқин ҳам эмас эди.

Учинчи босқичда ўқиб юрган кезлари Ориф деган ҳамшаҳар йигит Ҳалимага кўнгли очди. У жудаям ақлли, келишган йигит эди. Ҳалима аввалига ўқишини ўйлаб, йигитга рўйхушлик бермади.

Йигит эса келишини қўймади. Ҳали унинг оғзидан бир гап олмай туриб, курсдошлар ичида «Ҳалиманинг йигити»га айланди-қолди.

Ҳалима ҳам бир кун келиб билдики, унга жуда ўрганиб қолган, усиз ҳаёти эгасиз уйдек хувиллаб қолади.

Ориф жуда бахтиёр эди. Охирги курсда ўқиётганларида Ориф бирдан келмай қўйди. Ҳамхонаси қаердандир унинг Гулсумга уйланаётганлиги ҳақидаги гапни топиб келди.

— Гулсум ҳомилдор эмиш. Бир кун Гулсумнинг ўзи ёнига келди:

— Узр, дугонажон. Ориф билан бирга келмоқчи эдик, унинг иши чиқиб қолди. Мендан хафа бўлманг. Ориф сиздан олдин менга севги изҳор қилган эди. Сизнинг олдингизга ҳам фақат мени деб, мени учратиб қолармиканман деб келар эди. Охири бўлмади, ё мени ўлдилинг, ё розилик беринг, деб туриб олди. Ҳалимага нима дейсиз, десам, сенинг ишинг бўлмасин, дейди.

Ҳалима қиёси йўқ бу сурбетлик олдида тошдек қотиб қолди.

— Мендан гинадор бўлмасангиз бўлди. Ўзингиз биласиз-ку, бу кўнгли иши, кўнглига буюриб бўлмайди. Узр, жоним.

Унинг юзида қандайдир чучмал табассум зоҳир, ҳар қанча уринмасин ич-ичидан қайнаб-тошиб чиқаётган қувончини яшира олмас эди.

— Кўзимдан йўқол! Кечки пайт ҳамхонаси яна гап топиб келди.

— Гулсум Орифни йўлдан уриб, ҳомила орттириб олгани учун мажбур бўлиб уйланаётган эмиш. Энг яқин жўраси айтди. Бу жодугар йигитингиз-

ўз ўрни, ўз иши, ҳатто ўз беморлари бор.

Эр, олти бола ташвишидан орта олмай пала-партиш, дидсизларча кийиниб, мижози камлигидан хона-хона лақиллаб юрадиган янги дўхтир ҳеч кимга ёқмади. Бир гап бўлса, кесатиб Ҳалимага «дугонангиз» деб айтишарди. Айнақса, бошлиқ бир-икки марта ташхис ва муолажаларини муҳокамага қўйгач, ҳамма бурун жийирадиган бўлиб қолди.

Ҳалимага эса деярли ҳар кун кимдир гул олиб келар, совға-салом тутқазиб кетар, Гулсум аввалига бу нозик вазиятлар устига келиб қолганда, «Бир даста гул олиш учун беморга қанча хушомад қиласиз-а? Бизгям ўргатинг», деб кесатса, кейин «Эсиз, гулдай умрингизни шу гулларга сарфляпсиз-а, сиз ҳам бундай охиригизни ўйланг. Умр ўтиб борапти. Бировга иккинчи хотин бўлиб тегсангиз ҳам бир бола кўринг. Бу бола ҳеч сўлмайдиган гул бўлади. Мана менинг олти болам, олти гулдаста, улар қишин-ёзин

— Менга қаранг, Гулсум, шунча вақт индамай насихатларингизни эшитдим, етар! Менга эр топиш сизга қолгани йўқ!

Орадан бир неча кун ўтиб, қабулига ўрта ёшлардаги, сийрак сочлари кумушранг киши келди.

Уйқусизлик, умумий лоҳасликдан шикоят қилди.

— Буларга чидаса бўлди, лекин қўлларим худди ичувчиларнинг қўлларидек титраб туради. Тилим ҳам тутулиб, дудуқлиб қоламан. Ўзим ташкилот раҳбари бўлсам, одамларимнинг олдида роса мулзам бўламан.

— Бунинг сабабини ўзингиз нимадан кўрасиз?

— Аёлим, қизим бетоб, — деди эркак ерга қараб.

— Ҳа-а... Улар қандай касал? Эркак унинг саволига жавоб беришни истамасди.

Ҳалима ҳам ўсмоқчиламади. У маълум бир хулосага келиб бўлган эди. Шундай бўлса-да бир неча таҳлилга йўлланма ёзиб берди.

— Натижалар тайёр бўлгач, келарсиз.

Эркак ўрнидан тураётди, сўради:

— Сиз Гулсум Шамаевна билан бирга ўқиганмисиз?

— Ҳа, нимаиди?

— Ўзим. Ҳалима иши кўплигидан сўнги саволнинг Гулсум айтган таклифга алоқадор эканлигини хаёлига ҳам келтирмади.

Таҳлиллар тайёр бўлгач, хулосасини айтди:

— Асабларингиз жуда чарчаган, даволаниб, бироз дам олишингиз керак.

Эркак унинг кўзларига аянчли боқди:

— Ўзим ҳам биламан асабларим чарчаганини. Сизни яхши игна қўяди, дейишганди. Менга ҳам беш-олти кун игна қўймайсизми?

Ҳалима негадир иккиланди: ўзи касали кўп... Яна бу одамнинг ёш болага ўхшаб кўзига термулишлари...

«Йўқ», дея олмади, бу одам ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож эди.

...Уша кун эрталабдан юраги гашланди. Кун бўйи ўзини қўйгани жой топа олмай юрди. Тушликдан сўнг ҳатто қон босими ҳам кўтарилди. Уйга кетай, деса, беморлари бор. Юлқа чойшаб билан пана қилинган бўлмаларга кириб, беморларга бирин-кетин игна қўйиб чиқаётган эди:

— Ҳой, ифлос, давлатнинг идорасида ўтириб, бузуқлик қилишга уялмайсанми? — елкасидан тортқилаб шангиллаётган аёлни кўриб, Ҳалима ҳайрон бўлди.

— Нима деяпсиз? Менга айтаяпсизми?

— Кимга айтаман бўлмаса? Соппа-соғ эримни асабларингиз чарчаган, даволанмасангиз бўлмайди, деб йўлдан уриб, ҳар кун ёнига чақираётган ким, меними? — сўнг игна қўйишга тайёрланиб майкачан ўтирган эркакка ёпишиб кетди. — Мени жинни деб хотин сайлаб юрибсизми? Мен сизнинг кўзингизга кўрсатиб қўяман хотин алмаштиришни!

Хона бир зумда томошабинларга тўлиб кетди. Эркак шартта илгичдан қўйлагини олиб елкасига илди-да, хотинини судраб ташқарига чиқиб кетди.

Бир пасда бош врачнинг котибаси етиб келди:

— Сизни опа чақираяптилар. Бош врачнинг ранги ўчиб кетганди:

— Нима шовқин? Кеча коллежни битириб келган ҳамширанинг изидан биров шовқин солиб келса, муҳокамага қўямиз. Сиз энди шу ёшингизда ёшларга ибрат кўрсатаяпсизми?

(Давоми 12-бетда)

КЕЧИККАН БАҲОР



ҲИКОЯ

ни тортиб олгани камлик қилгандай, сизнинг қандай эзилаётганингизни ўз кўзи билан кўриб, завқланиш учун келган.

Ҳалима индамади. Нима десин? Агар Ҳалимани кимдир «йўлдан урса», Ориф уни кечирармиди?!

Ушанда у қанча вақт Гулсумнинг музаффар юзига қарай олмай юрди, худди гуноҳкордай, ёнига борса, айбини юзига соладигандай...

Гулсум эса қасддан унинг ёнига келиб, атрофдагиларга эрининг эркалашлари, олиб берган совғалари ҳақида гапиришдан чарчамасди. Айнақса, кундан-кунга дўппайиб бораётган ҳомиласи билан мактанганда ҳамманинг бирдек энсаси қотарди.

Гулсум ўқишни тугатгач, бирин-кетин олти фарзанд туғиб, шуларнинг суяги қотгунча уйда ўтирди. Катталари кичиналарини боқчага олиб бориб келадиган бўлгач, ишга чикди. Яна Ҳалиманинг ёнига.

— Вой, дугонажон, — бош врачнинг қабулхонасида унга кучоқ очган аёлни овозидан зўрга таниди.

— Гулсум?! — Танимадингизми, Ҳалима? Ҳа, энди биз эр, болалар ташвиши билан анча қариб қолдик. Сиз эса ўша-ўша гўзал, нима ҳалиям турмушга чиқмадингизми?

Ҳалима энди аниқ таниди: Бу ўша Гулсум. Одамнинг ташқи қиёфаси ўзгарса ҳам овози, ярамас одатлари ўзгармас экан, чаён қандай қиёфага кирса ҳам чақверар экан.

Кунига юзлаб одамлар кириб-чиқадиган шифохона бир қарашда гала-говур қарвонсаройга ўхшаса ҳам аслида бу даргоҳда ҳар кимнинг

сўлмайди, очилиб тураверади», деб қийиқидиган бўлди.

— Тўғри, бола керак, лекин бу учун ҳам бировнинг рўзгорини бузиб, ҳам ўзимнинг обрўйимни тўкиб юришни истамайман.

— Қанақа обрў? Мана бу ерда тўрт касалнинг «Ҳалима Мақсудовна» деб, чўнтагингизга 5-10 сўм солганини айтаяпсизми? Эртага сиз ҳам қарийсиз, ҳорийсиз. Ҳеч нарсага ярамай қолган кунингизда ҳам улар сизни излаб юрадими? Сиз шу ердан кетган кунингиз улар ўзларига янги дўхтир топиб олишади. Ҳеч кимга кераксиз бўлиб қолган ўша кунингизда сизга фарзанд керак бўлади, билиб қўйинг.

Бу гаплар гарчи бир замон бор орзу-умидларини чилпарчин қилган аёлнинг оғзидан чиқаётган бўлса ҳам айна ҳақиқат эди. Вақт бешафқат, умр ўтаяпти. Аммо инсон ёши бир жойга етганда хато қилиб, обрўсизланиб қолишидан жуда кўрқаркан. Бу мулоҳазаларини Гулсумга айтиб ўтирмаса ҳам, «Ҳа, кўрамиз-да», деб қўярди.

— Орифнинг ажойиб амакиси бор. Жуда бадавлат, қалби ҳам гўзал, лекин худ унга оилавий бахт бермаган. Хотини тентак, умри жиннихонада ўтади. Тўнғич қизини эрга берган эди, биринчи туғруқдан сўнг унинг ҳам эси оғиб қолди. Хуллас, бир уй бола — бир уй гам. Бечоранинг ўзи тентак бўлиб қолмаганига ҳайронмиз, аммо шўрлик жуда чарчаган. Унга ёрдам берсангиз, икки дунёнгиз обод бўлади, — деди бир кун.

Ҳалиманинг жаҳли чиқиб кетди: «Кимга? Жиннинг эрига! Гулсум топган номзодга!..»

Илиққина бўлиб турган қиш ҳавоси бирданнига кескин ўзгарди. Қибладан кўтарилган совуқ изғирин шиддатли қор қуёни олиб келди. Туни билан тинмаган қор эрталабгача тизза баравари бўлди. Жамики тирик жон ўзини пана-пастқа илиқларга урди. «Одамлар ва улар қўлидаги парранда-ю ҳайвонларга ҳеч гапмас. Ёз бўйи ҳаракат қилиб қишлоқларини гаплаб қўйишган. Бечора ёввойи жонзотларга қўйин».

Шундай ҳаёллар оғушида боғга тикилиб турганимда, катта ўрик дарахти кундаси панасидаги бир парча ерга қорашақшақ келиб қўнди. Шу жойга тушган битта туршак қушнинг нафсини қўзғатганди. Қорашақшақ силкина-силкина атрофни обдон кузатди. Парда ортидан кўча аниқ кўринар, бироқ қушча мени пайқамасди. Қорашақшақ туршакни бир чўқиб кўрди-да, яна безовталаниб, у ёқ-бу ёққа аланглаб олди. Унинг митти қалби қандайдир хавфни, кимдир ўзини кузатаётганини сеза бошлаган эди. Бошқа томондан тун бўйи очқаган қорин гами учиб кетишга йўл қўймасди. Хуллас, қорашақшақ азонда топган озукасини минг бир ташвишда чала-чулпа еди-да, қаттиқ сайраб қўйиб учиб кетди. Назаримда у хўракни омон-эсон ўзлаштира олгани учун Яратганга шукроналар айтиб кетгандек эди. Шўрлик қушча! Ҳар куни, айниқса, қорли-қировли қиш фаслида не-не хатарларни бошидан кечирмайди, дейсиз! Яхшиямки, учиш имконияти бор унда. Учолмайдиган ёввойи жониворлар аҳвол... энди бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Қишлоғимиз рўпарасида салкам тўрт минг метр баландликдаги Қорақия тоғи қад кериб туради. Болаликда қишлоғимиз овчиларнинг ўзаро суҳбатига қулоқ тутардик.

Бирови «Қорақияга кийиклар келибди, фалон мерган иккитасини отволибди», деса, бошқаси «Алқорлар ҳам пастлабди, аммо отишолмабди», дея қўшимча қилишарди. Алқорни сўраб билсак, ёввойи қўй экан. Уларнинг овланиши билан боғлиқ мақтанишларниям эшитганмиз. Хуллас, бора-бора Чотқол тоғининг бир бўлаги бўлмиш Қорақия тоғида алқор у ёқда турсин, кийиклар ҳам кўринмайдиган бўлиб кетди. Ҳозирга келиб Чотқолда ёввойи қўйлар бутунлай қолмаган, дейишади.

(Давоми. Боши 11-бетда)

Ҳалиманинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. — Мен... — тили гапга айланмасди. — Бу одамни бор йўғи уч марта кўрдим, холос.

— Менга қаранг, Зулфия Шодиевна, бу одам бизнинг амакимиз, ўзи жуда яхши одам, бадавлат. Хотини жинни. Ҳалиманинг ёши ўтиб борапти, шу одамга шаръий никоҳ билан тегиб, ўзинг учун бирон фарзанд туғиб ол, дегандим, — худди бу учрашув Ҳалиманинг розилиги билан амалга оширилгандай тушунтира кетди Гулсум.

Ҳалима ҳайрон бўлиб Гулсумга қаради. У қаерда эди, қачон етиб келди?

— Амакингиз?! — бош врач ўрнидан сапчиб туриб кетди. — Сиз нима қилаяпсиз? Кеча келиб, бугун шундай яхши дўхтиримизни обрўсизлантиришга нима ҳаққингиз бор? Балки хотинига ҳам ўзингиз хабар бергандирсиз? Мен Ҳалимаходини яхши биламан, аммо қисқа вақт ичида сизни ҳам яхши ўрганиб олдим.

— Мен хотинига хабар берганим йўқ, — дудуқланди Гулсум.

Шундан сўнг улар узок вақт гаплашмай кетишди.

Бир куни келиб яна Гулсумнинг ўзи гап қўшиб кетди. Ҳалима индамади.

...Энди уйини қулфлаётган эди, дарво-

Бу жониворларни кўриш бизларга насиб этмас экан, деб юрганимизда қизил китоблар чиқарилди. Уларга ёввойи қўйларнинг турлари ва яшаш жойлари киритилган эди. Ёзилишича, ёввойи қўйларнинг муфлон, архар ёки алқор деб номланган турлари мавжуд экан. Бизнинг мамлакатимизда кам учрайдиган алқор ёки Северцев қўйи деб аталадиган жониворлар Нурота, Оқтоғ ва Томдитов тизмаларидагина сақланиб қолибди. Энди ушбу ноёб жониворлар изига тушиш имконияти туғилган эди. Юқорида айтганимиздек, қадим барча тоғларда учрай-

дайди итлар, хонаки чорва моллари, энг даҳшатлиси — одамлар!

Қандай қилиб алқорларни яна кўпайтириш, қадимгидек пода-пода бўлиб юришларини таъминлашга эришиш мумкин? Шундайин эзгу ва олижаноб мақсад йўлида изланаётган Нурота кўриқхонаси жамоаси таклифига биноан ушбу ҳудудлар ҳимояси бўйича анча салмоқли ишлар амалга оширилди. Табиат муҳофазасига оид жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, Нурота тоғлари, Жанубий Қизилқум ва Айдарқул атрофларини Халқаро Биосфера кўриқхонала-

вожланиш ҳудуди саналади. Ушбу минтақада иқтисодийнинг экологик ва ижтимоий барқарор ривожланиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, хўжалик юритишда анъанавий услублар ва табиатни асровчи замонавий технологияларга йўл очиб берилади. Мақсад битта: экологик таълимот ва бу соҳадаги илмий-текшириш ишларини ягона бир тизимга мужассамлаштириш, атроф-муҳит ҳимоясида узок муддатли барқарор ривожланишга эришиш. Олижаноб мақсадлар билан бошланган бу фаолият, афсуски, ҳанузгача охирига етказилгани йўқ. Чамаси, маблағ танқислиги, айрим тўсиқ ёки сансоларлик каби сабаблар бунга имкон бермаётган бўлса керак.

Нурота Давлат кўриқхонаси директори Қўқор Қўрғонов табиат муҳофазаси, хусусан, алқорлар ҳимояси

Утган асрнинг тўқсонинчи йилларида алқорлар ҳаётидан тайёрланган буклетни табиат ҳимоячилари бизга тақдим этишди. Ундаги суратларда бечора жониворлар юраклари така-пука, қаёққа қочишни билмай жонсарак. Яна бир тасвирда онаси зовга, боласи орқага тикилганча қотиб туришибди. Улар гумбурлайдиган ўқ овозини кутаётгандай гўё. Беихтиёр ардоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб: «Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?!» сатрлари қулоқларимиз остида жаранглайди. Жониворлар аҳволини кўрган ҳар бир одамнинг йиғлагиси келади. Тасвирга олингандан кейин ўн-ўн беш йиллар ўтибди. Бу орада улардан ном-нишон қолдимикин?! Унга қўшимча қилиб: «Алқор, нега кўзинг тўла ёш?!» деб хайқиргимиз келди!.. Шу ўринда бир юпанчли ҳолат ҳам бор. Кўриқхона директорининг ишонч билан таъкидлашича, айни дамларда ҳудудда икки мингга яқин алқор яшамоқда. Қанийди, улар ўзларидан кўпайишиб, нафақат Нурота тизмалари, балки Бахмал, Зомин, Чотқол сингари тоғлари бағрида ҳам эмин-эркин яйраб, бежавотир ёйилиб юрса!

Сўзимиз аввалида тилга олганимиз — қорашақшақ каби парранда-ю даррандаларни, ҳатто энг хуркак жониворлардан саналмиш алқорларни ҳам қаҳрли қиш пастликларга озук излаб тушишга мажбур этади. Улар одамлар кўмагидан аллақачон умидларини узишган.

Нурота теварагидаги туман ва қишлоқлар аҳолиси бундай ёвузликлардан холи эканига ишонгимиз келади. Уларнинг бағрикенглиги, жонзотларга меҳри борлиги учун Нурота бағрида ҳануз алқорлар жон сақлаб, яшаб юрибди. Атроф-муҳит ҳимоясига доир эзгу тилак ва таклифлар ижроси қанча кечиктирилса, аянчли воқеалар шунча кўп содир бўлаверади.

Демак, табиат муҳофазаси хусусида иш олиб бораётганларнинг барчаси бир ёқадан бош чиқариб, Нурота Биосфера кўриқхонаси лойиҳаси каби ибратли ташаббусларни қўллаб-қувватлашлари ва охирига етказиш учун керакли чораларни қўриши лозим. Шу йўл орқали атроф-муҳит муҳофазасига эришишимиз мумкин.

Асад АСИЛ

«Алқор, нега кўзинг тўла ёш?!»



диган ёввойи қўйлар бутунлай йўқолиб кетиши аниқ эканини сезган хушёр ва жонкуяр одамлар ўтган асрнинг олтинчи йилларида улар муҳофазаси учун илк қадамларни қўйишди. Аввалига ҳимояландиган ҳудудларни белгилашди. 1975 йилда эса Нурота Давлат кўриқхонаси ташкил этилди. Ҳечдан кўра кеч деганларидек, бу ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади. Тўқсонинчи йилларга келиб, алқорлар сони Нурота тоғларида бироз барқарорлашди. Аммо вазият барибир мураккаблигича қолмоқда эди. Кўриқхонадан четга чиққан жониворлар омон қолмасди. Уларнинг душманлари кўп:

ри тармоғига киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бўлажак мазкур биосфера кўриқхонасининг ўзига хос томони шунда эдики, белгиланган ҳудудларда яшовчи аҳоли олижаноб мақсад йўлида фаол иштирок этмоғи лозим. Лойиҳага кўра, биосфера кўриқхонаси уч қисмдан иборат бўлмоғи, биринчи — ядровий ҳудуд мутлақо соф табиий ҳолда сақланиши шарт. У эса иккинчи қисм — муҳофазаландиган ҳудуд қуршовида бўлади ва ҳар қандай ташқи таъсирдан қатъий ҳимояланади. Муҳофазалаш ҳудудида эса табиатга зид бўлмаган хўжалик фаолиятлари учун руҳсат этилади. Энг катта — учинчи ҳудуд ри-

бўйича яхши бир таклиф билдирди. Унинг айтишича, алқорлар кўпинча кўриқхона чегарасидан чиқиб, Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Қўшрабат туманларига қарашли тоғлардаги кунгай томонларда ўтлар экан. Етти минг гектар атрофидаги кўриқланмайдиган бу ҳудудларда уларни ҳар ким бемалол овлайверади. Ушбу кўнгилсиз ҳолатга чек қўйишнинг ягона чораси — уни кўриқхона ихтиёрига ўтказишдир. Бу эса она табиат ва унинг ноёб бойликларини асраб-авайлаш йўлидаги эзгу ишдир...

Умуман олганда, алқорларнинг ҳозирги аҳволи қандай?

Кечиккан баҳор

занинг кўнғироғи жиринглаб қолди. Сумкачасини эшик олдидаги илгичга илиб, дарвозага югурди.

Дарвоза ёнида Ориф турарди.

— Ўзим ҳам бораверардим, — «Мени олиб кетиш учун Гулсум юборган» деб ўйлади у.

— Йўқ, мен сизни олиб кетиш учун келганим йўқ. Бир дақиқа ичкарига кирсам, майлими? — у ўғрилاردек атрофга олазарак боқиб, тезроқ ўзини панана олишни истарди.

— Кириш, — ортга чекинди Ҳалима.

Ориф ичкарига кириши билан дарвозани ёпиб олди.

— Сиздан илтимос, бизниқига борманг!

— Нега?

— Амакимни хотини билан чақирган. Бу кузгун бир жанжал чиқариб, яна дилингизни хира қилишни истаяпти. Янганинг дар-

ди кузда, баҳорда кучайиб кетади, сизни кўрса...

Ҳалиманинг томоғи қақраб кетди, беҳол дарвоза устунига суяниб қолди:

— Нега? Мен унга нима қилдим?

— Билмадим. Шунча йил бирга яшаб, билганим шуки, у сизга ҳасад қилади. Сиз эришган ҳар бир нарса ўзиники бўлишини истайди. Ўзиники қила олмасан, сизники ҳам йўқ қилишга уринади. Менга ҳам сизники бўлганим учун, сизники бўлмаслигим учун тегиб олган...

Ориф жим бўлиб қолди. Унинг ҳам ичидан нимадир узилиб кетгандай бўлди. Кўзлари жикқа ёшга тўлди.

— Гулсумни кўргани кўзим йўқ. Ундан нафратланаман, лекин кўрқаман ҳам. У жудаям бешафқат аёл. Бир гап бўлса, болаларингни бир бошдан заҳарлаб, ўзимни остонага осаман, дейди. Мени кечи-

ринг, олдингизда айбдорман. Ишонасизми, сизни бир кун, бир дақиқа унутганим йўқ. Илтимос, ундан узокроқ юринг, умуман гаплашманг.

Ориф унинг юзига қарашга ҳам журъат этмади, қандай шошиб келган бўлса, шундай шошиб чиқиб кетди.


Ҳалима турган жойида ўтириб қолди. Осмоннинг бир четида осилиб турган қорамтир булут этак ёзиб, бир зумда ҳамма жойни зимистон қилди. Момақалди роқ гумбурлаб, чақин чақди. Ёмғир тезлашди. Ичкарида телефон жиринглади. У ерга таяниб, секин ўрнидан турди. Бир амаллаб эшикни очиб, телефонни олди:

—Вой, дутона, ҳаляям уйдამисиз? Ҳаммамиз сизни кутиб ўтирибмиз, Машинани бир кўрсангиз эди!.. Дадасига «қайт-гунингизча биров-ярим одам олиб қайтинг, бўш қайтманг, бензинингизни қоплайсиз» деган эдим, номерд, орқага уч одам олиб, олдига ҳеч кимни ўтказмабди, «олдиннинг эгаси бор» дер эмиш...

Ҳалима бир сўз демай телефон гўшагини ўрнига қўйди. Ивиб кетган уст-бошини алмаштириб, дераза ёнидаги ўриндикка чўқди. Ёмғир яна забтига олган эди.

— Ёққани яхши, ёғаверсин. Баҳор-да. Жуда чарчаган, лекин алланечук кўнгли ёруғ эди.

Жамила ЭРГАШЕВА



Юртимизда азал-азалдан кунлар исиб, табиат жонланиши билан ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш, турли мевали ва манзарали дарахтлар, ранг-баранг гул кўчатлари ўтқазиб, ҳовли, кўча-кўй ва хиёбонларни тозалаш ишларини бошлаб юбориш одати бор. Жорий йилда бу борадаги ишлар ҳар қачонгидан ҳам қизгин кечиши аниқ. Чунки Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси V Қурултойи қатнашчиларнинг ташаббусига кўра, юртимизнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ҳар бир фуқароси мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан йигирма тупдан кўчат экади. Ҳозирги кунда бу ташаббус мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёймоқда.

Лекин бир муҳим шартни унутмаслик лозим. Яъни, ҳар бир дарахт тури худудлар, тупроқ ва иқлим шароитлари ҳамда экиладиган дарахтларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танлаб экилиши керак. Кўчат турлари етишмаган ҳолларда айрим дарахт ва буталар қаламчаларидан экиб кўпайтирилади. Сифатли кўчат етиштириш учун экиладиган қаламчанинг сифати, тайёрланиш муддати, шунингдек, уларнинг экишгача бўлган даврда қай тарзда сақланиши муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз шароитида одатда терак, тол, жийда ва бошқа дарахт ҳамда буталарнинг қаламчалари асосан махсус оналик плантацияларида етиштирилган дарахтлар ёки тўнкалардан ўсиб чиққан (бачки) бир йиллик текис ўсган новдалардан тайёрланади. Республикаимизнинг иқлим шароитида қаламчаларни ноябрь-феврал ойларида, яъни вегетация даври бошлангунга қадар тайёрлаш лозим. Бунда қаламчаларнинг кўкарувчанлик фоизи юқори бўлади.

Қаламча учун тайёрланган новдаларни баҳорги экиш мавсумигача бутунлигича (кесмасдан) сақлаш зарур. Тайёрланган новдалар 50-100 дондан боғланиб, қуриб қолишдан сақлаш учун махсус 40-60 см. чуқурга (хандақларга) кўмиб қўйилади. Новдалар кўмилган жойга қуёш нури имкон қадар кам тушиши керак, бу ҳол новдаларни барвақт кўкариб кетишдан асрайди.

Новдалар экишдан 1-2 кун олдин кўмилган жойидан олинадилар ва ундан 20-25 см. узунликдаги қаламчалар кесилди, бунда қаламча учининг йўғонлиги 0,5-1,5 см. гача бўлиши шарт.

Агар қаламчалар эртароқ кесилган бўлса, у вақтда улар 40-50 см. чуқурликдаги ўраларда (хандақларда) сақланади. Махсус хандақлар нам тупроқли ерлардан қазилади. Қаламчалар ўсувчи куртаги (учи) пастга қараган ҳолда кўмилиши зарур, сабаб тупроқ тортилганда ёки чўкканда куртақлар ўрни зарарланмайди. Махсус тайёрланган хандақ тагига 5 см. қалинликда дарё куми солинадилар. Қаламча устига ҳам яна бир қават 10 см. қалинликда кум тўшалади ва 40-50 см. қалинликда тупроқ билан кўмилади.

Новддан қаламча кесилганда охириги ва яхши ривожланган, шикастланмаган куртак устидан 1-2 см. қолдирилади. Қаламча бироз қия қилиб, 45 даражада кесилиши лозим. Шундай қилинса, баҳорги ёғинлар пайтида сув туриб қолмай туриб кетади. Бу эса қаламчаларнинг учини чиришдан сақлайди ва новдалар тик ўсиши учун имконият яратилади. Қаламчанинг пастки қисми барг куртаги остидан кесилди. Бу ерда илдиш олиши учун шира ажралиб оқ бўртмалар, яъни «каллиос» ҳосил бўлиб, кўплаб илдишлар ривожланади.

Ток қаламчаси 50-60 см., смородина ва анор қаламчалари 20-25 см. узунликда йўғонлиги 0,5-1,5 см. бўлган бир йиллик етилган новдалардан тайёрланади ва юқоридagi терак қаламчаларини тайёрлаш технологияси 1-2 метр узунликда ва

5-8 см. йўғонликда бўлган новдалардан тайёрланиб, сув ўтадиган ариқлар ва йўл бўйларига 50-60 см. чуқурликда экилади.

Қаламчаларни ҳар бир худуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда турли касалликлар, ҳашаротлар, сувсизлик, шўрланишга чидамли бўлган маҳаллий дарахт ва бута навларидан тайёрлашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоятларининг чўл худудларида ва бошқа вилоятлардаги қисман шўрланган ва шўрланишга мойил бўлган суғориладиган ерларда асосан, кўктерак, қоратол, жийда кўчатлари ва қаламчалари, шунингдек, қайрағоч, заранг, шумтол, айланг, акация, япон сафораси, тут, наъматак, Виржиния арчаси каби дарахт ва буталарнинг кўчатлари яхши ўсади.

Кўчат ва қаламчалар одатда тупроқ ҳарорати +4, ҳаво ҳарорати +5 даражадан ошгандан сўнг экилади. Ҳаво ҳарорати минус даражада бўлганда, яъни ер музлаган даврда кўчат ва қаламчалар экиш мумкин эмас. Кўчат ва қаламча экилгандан сўнг, унинг атрофи бостириб, тўлиқ суғорилиши зарур.

Суғориладиган томорқа ерларда, ариқлар бўйлари ва йўллар четларига тераклар одатда бир қаторли қилиб ҳар 0,5 метр масофада, толлар 1 метрдан 2-3 метргача масофада, нонжийда кўчатлари 1 қаторли экилганда ҳар 3 — 5 метр масофада, плантация усулида 4 x 5 метр ёки 5x5 метр схемаларда экилади, шунингдек, кичик-кичик майдонларда терак кўчатлари ёки қаламчалари қалин қилиб плантация шаклида ҳам экилиши мумкин. Бошқа дарахт турлари қаторли қилиб экилганда ҳар 2-4 метр масофада, плантация усулида экилганда 4x2 метр, 4 x 3 метр, 5x2 метр ва 5 x 3 метр схемаларда, мевали дарахт кўчатлари одатда дарахт турига қараб 6x6 метр, 6x7 метр ва ундан катта схемаларда экилади.

Ғалла ва пахта майдонларини уй ҳайвонлари пайҳон қилишидан сақлаш учун далалар атрофига терак ёғочларидан четанлар тайёрлаш ўрнига, 1 қаторли қилиб ҳар 0,5 метрдан 1 метргача бўлган масофада наъматак кўчатларини экиб «Яшил тўсиқлар» барпо этиш мумкин. Наъматак кўчатлари узок муддат гуллаб атрофга чиройли манзара беради, шунингдек, улардан наъматак ҳосили олинади.

Чўл худудларидаги кумлик ерларда саксовул, черкез ва қандим кўчатларини гектарига 1000-3000 донна миқдоридан экиш мумкин.

Тоғли худудларда тоғ арчаси, бодом, писта дарахтларини кўчатидан ва уруғидан зинапояларга ва майдончаларга эрозияга йўл қўймаслик учун қалин қилиб экиш тавсия этилади. Шунини таъкидлаш керакки, барча игна баргли кўчатлари кўчат илдиши тупроғи билан экилиши зарур.

Шаҳар худудларида кўпроқ чиройли гуллайдиган бута кўчатлари ва қаламчаларидан экиш мақсадга мувофиқ.

С. ОДИЛХОНОВ, Х. ТОЛИПОВ, Б. КУБЯШОВ

Эрта баҳорда боғларда шакл бериш, бута ишларини иложи борича қисқа муддатда яқунлаш муҳим аҳамиятга эга. Данакли меваларнинг турлари бўйича шакл бериб бута навбатма-навбат ўтқазилади. Урик — дастлабки йилларда жадал ўсганлиги учун, олти-етти ёшгача бўйига ўсган шохларда ҳосил куртаклари бўлади. Бу даврда уларнинг ён шохчалари сусти ўсади. Шу боис ён шохчалар яхшироқ ўсиши учун учдан бир қисми ёки ярми қирқилиши зарур. Кейинги бута шохларда навбатдаги тартибда ўсган ортиқча шохлар олиб ташланади, шохлар бир оз қисқартирилади. 20-25 ёшли урик дарахтларида ўсиш жараёни қисқариб ҳосилдорлик пасайиб кетади. Бу даврда қариб қолган ёки ўсиши сусайган дарахтлар бута ёшартирилади. Шундан сўнг ўсиб чиққан шохлар келгуси йил баҳорда сийраклаштирилади. Бунда фақат шох-шаббага шакл бериш учун зарур бўлган шохлар қолдирилади.

ОЛХҲҮРИнинг кўпгина навларидан мева тугиш органлари қисқа мева шохчалари — пихсимон шохчалардан иборат бўлиб, улар икки ва кўп йиллик шохларда жойлашади. Ёш олхўри дарахтига шакл беришда шохларнинг пастки қисми яланғочланиб қолмаслиги учун шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади. Шох-шаббаси тик ўсган, кучли шохланадиган навларда биринчи тартибдаги асосий шохлар қисқартирилиб, иккинчи тартибдаги ён шохлар баландлигида кесилади. Бу шох-шаббанинг ёйилиб ўсишига имкон беради. Шох-шаббаси ёйиқ дарахтлар, агар шохлари сусти ўсса, сийраклаштирилади. Олхўрининг бўйига ўсишини, бошқа мевали дарахтлардаги каби, чеклаб туриш зарур.

Дарахтлар мева бера бошлагандан кейин шохлар фақат ёруғлик яхшироқ тушиши учун бута турилади. Биринчи навбатда касалланган, қуриб қолган ва бир-бирига тегиб шикастланадиган шохлар олиб ташланади. Узун (50-60 см.) ўсган ва эгилиб қолган шохлар қисқартирилади. Шохларнинг ўсуви 15-20 см. гача камайганида ёшартириш мақсадида асосий шохлар икки-уч йиллик шохигача қисқартирилади. Усув жуда ҳам камайиб кетганда дарахтлар янада кўпроқ буталади.

ГИЛОС кучли ўсиши ва кам шохланиши билан фарқ қилади. Айниқса, Наполеон Розовый, Валерий Чкалов, Воловье сердце, Ревершон, Баҳор, Дрогана желтая навларидан бақувват шохларнинг пастки қисмида куртаклар кам ривожланади. Куртаклар уйғонишини ва ёш шохчалар ўсиб чиқишини кучайтириш мақсадида асосий шохлар қисқартирилади. Бундай бута шули дарахтлар ёшлигида ва ҳосилга кира бошлаганда шох-шаббага шакл бериш учун қўлланилади.

Ёш дарахтларнинг 40-45 см. узунликдаги новдаларини чилпиш ҳам яхши натижа беради ёки узун новдаларни эгиб, ярус ҳосил қилинса, ундан куртаклар чиқа бошлайди. Шохларни қисқартириш ва чилпиш шох-шаббани ихчам қилади, шохларда ўсув новдаларининг кўпайиши ва даста шохларнинг ўсишига ёрдам беради. Гилос шохларини шакллантиришда дарахтларнинг бўйига ва ён томонга ўсиши чекланиб турилади. Агар новдалар сусти ўсса, шохлар икки-уч йиллик шохигача қисқартирилади. Дарахт қарий бошлаганда шох-шаббаси кўпроқ буталиб ёшартирилади.

ОЛЧА — бошқа турдаги дарахтларга нисбатан кам буталади. Фақат жуда зарур бўлганда қалинлашиб кетган шох-шаббалар, синган, қуриган ва қарий бошлаган шохлари олиб ташланади. Олча қариб, ўсиши сусайган (10 см. гача) ёки ҳосили камайиб кетган даврда дарахт ҳолатига қараб, уч-беш йиллик шохигача кесиб ёшартирилади, тик ўсадиган навлар кўпроқ, шохлари ёйилиб, косасимон ўсадиганлари камроқ кесилади.

ШАФТОЛИ — экилган йили уч-бешта она шохдан шох-шабба ҳосил қилиб косасимон шакл берилади. Шафтолининг кучли, баланд ўсадиган навларининг шох-шаббаси тўрт-олти она шохдан иборат ўзгарган — лидерли система бўйича ҳам шакл бериш мумкин. Биринчи шох 35-40 см. баландликда, қолганлари бир-биридан 15-20 см. масофада бўлиши керак. Тўртинчи йили етакчи новда — (лидер) кесиб ташланади. Шафтоли дастлабки йилларда тез ўсади, кўп новда чиқаради ва тезда мева бера бошлайди. Мевалар бир йиллик новдаларда ҳосил бўлади. Шафтоли буталмаси шох-шаббаси қалинлашиб, ички қисмидаги шохларнинг барги тўкилиб кетади, мевалар фақат ташқи шохларда ҳосил бўлади. Дастлабки икки йилда бир йиллик новдалар қисқартириб турилади ва шох-шабба сийраклаштирилади. Асосий шохларнинг учидан ўсиб чиққан, узунлиги 50-60 см. ва ундан узун новдалар учдан бир қисмига ёки ярмига, калтароқлари эса чорак қисмига қисқартирилади. Ҳосилга киргандан сўнг шохлари сийраклаштириб турилади, синган, қуриган ва соялатувчи ҳамда заиф новдалар олиб ташланади. Шакл бериб бўлингандан сўнг касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлов берилади.

Айни кунларда мевали боғлар қатор ораларини ҳайдаб, суғориш эгатларини олиш, дарахт тағларини ағдариб чопиш, таналарини оқлашга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Баҳорги қора совуқлардан мевали дарахтларни асраш мақсадида боғнинг ҳар бир гектар майдонига тутатиш учун гўнг, хашак ва ҳазон аралашмасини йиғиб қўйиш (уюмлар сони 150-200 та бўлади) ҳам мақсадга мувофиқдир.

Боғлар гуллаш даврида яхши чангланиши учун асалари уяларини ўрнатиш зарур. Дарахтлар гуллаб бўлгач турли касалликлар ва ҳашаротлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида 1 фоизли бордо суюқлигини (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак солинадилар) пуркаш керак. Дарахтлар гулдан чиққач чуқур таъсир этувчи Топсин-М (1 л/га) препаратини 0,1%ли қилиб сепиш яхши самара беради. Байлетон (0,2-0,3 л/га), Фоликкур (0,25 л/га), Вектра (0,3 л/га) препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Март ойининг иккинчи ярмида ток кўчатлари очилиб, симбағазларга кўтариб боғланади. Ток тупида қолдирилган узун новдаларни пархамма (пархеш) қилиб, хатоси бор ток туплари оралари тўлдирилади.

Токзорга маҳаллий гўнг (10 тонна) ва минерал (N-60 кг/га, K-30 кг/га) ўғитларни солиб, қатор ва туп оралари ҳайдаб, юмшатилади.

Юқоридagi агротехник тадбирлар ўз вақтида тўлиқ бажарилса, боғ-токзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади.

Р. АБДУЛЛАЕВ, А. АРИПОВ, У. НАБИЕВ

ОГОҲЛИК ЯХШИ

АММО ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Ўзбекистон ФА академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, Фанлар академиясининг Ғани Мавлонов номидаги сейсмология институти лаборатория мудирини Қаҳҳорбой АБДУЛЛАБЕКОВ билан суҳбат

— Худого шукур, 19 мартдан ҳам омон-эсон ўтиб олди. Нега бундай деярганимизни, албатта, сиз яхши биласиз. Интернет хабарларида айнан шу кунни ва эртасига Ой сайёрамизга ҳар қачонгидан яқин келиши, бу эса табиий офатларга сабаб бўлиши башорат қилинганди...

— Бу саволга батафсилроқ жавоб бериш учун биз Ернинг тузилиши, ундаги жараёнлар, Ернинг ҳаракати, унинг коинотда, шунингдек, Куёш системасида тутган ўрни, Куёш системасидаги планеталарнинг ҳаракатлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ниҳоят Ер ва Ой ўртасидаги боғлиқликларни билиш билан бир қаторда ер қимирлашларининг сабаби нима, деган саволларга жавоб беришимизга тўғри келади.

Маълумки, она Еримиз Куёш системасидаги сайёралардан бири бўлиб, у ўз ўқи атрофида ҳар суткада бир мартадан 436,6 м/сек, Куёш атрофида ўз орбитаси бўйлаб йилига бир марта 29,77 км/сек тезликда айланиб туради. Куёш системасига кирувчи Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун каби планеталарнинг ҳаммаси бир текисликда ўз орбиталари бўйлаб турли тезликда ҳаракат қилишади. Ой эса Ернинг йўлдоши бўлиб, у 1,02 км/сек тезликда ер атрофини 29,5 суткада бир марта айланиб чиқади. Ер ўз ўқи атрофида ҳар суткада бир марта айланиб бундан сабабли унинг турли нуқталари (меридианлари) Ойга энг яқин масофага, яъни Ойга нисбатан перпендикуляр ҳолатга келганда, улар ўртасидаги ўзаро тортишув кучи маҳсулини ташкил қилади ва денгиз, океанларда сувнинг кўтарилиши (прилив ҳодисаси) содир бўлади. Тескари томонда эса аксинча, ўзаро тортишув кучи минимумни ташкил қилади. Денгиз ва океанларда сув сатиҳи пасаяди (отлив). Ер билан Ой орасидаги ўртача масофа 384 400 километрга тенг. Энг яқин масофа 356 400 километрни, энг узоқ масофа 406 800 километрни ташкил этади. Масофа 18,6 йилга тенг даврийлик билан ўзгариб туради. Яъни ҳар 18,6 йилда Ой Ерга энг яқин масофада бўлади. Бу яқинлашув ҳисобига ўзаро тортишув кучи жуда оз микдорда ўзгаради ва у, умуман олганда, кучли зилзилаларга, вулқон отилишлари ва бошқа талофат-

ларга олиб келиши мумкин эмас. Лекин ер юзидо доимий бўлиб турган ҳодисаларнинг вақти тасодифан шу даврга тўғри келиши эҳтимоли ҳам бор.

Илмий хулосалар шуни тасдиқлайдики, зилзилалар ернинг ичидаги турли жараёнлар ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, бундай тебранишлар асосан ерости жараёнлари натижасида юз беради.

Ҳозирги пайтда сейсмология ва геология фанларида зилзилалар «тайёрланиши» икки хил тушунтирилади. Фанда уларни «фиксистик» ва «мобилистик» қарашлар дейилади. Фиксистик қарашда ҳам, мобилистикда ҳам зилзилаларга сабаб турли геологик блоклар (парчалар)нинг ўзаро ҳаракати натижаси деб қаралади. Фиксистик нуқтаи назарга кўра, Марказий Осиёнинг ҳамма худудларида тоғ ҳосил қилувчи геологик жараёнлар давом этмоқда. Яъни Марказий Осиёнинг ҳамма майдонлари йилига бир неча миллиметрдан бир неча сантиметргача бўлган тезликда кўтарилиб туради. Кўтарилиш тезлиги турлича эканлиги сабабидан кўпроқ тоғ ёнбағирларида узилиш ҳодисаси содир бўлади. Яъни ернинг маълум бўлақлари, блоклари бошқаларига нисбатан дафъатан ҳаракатланади. Бу эса, ўз навбатида, сейсмик тўлқинлар ҳосил қилиб, зилзилага олиб келади.

Бошқача айтганда, ернинг чуқур қатламларидаги турли жараёнлар қўшимча энергияни ҳосил қилади, улар ўз навбатида геологик, тектоник ҳаракатларга ва пировардида зилзилаларга сабаб бўлади. Мобилистик нуқтаи назарга кўра, Ер шари улкан (йирик) плиталарга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳаммаси турли томонга қараб горизонтал (кўндаланг) ҳаракат қилади. Натижада, улар бири билан тўқнашади, ёки ўзаро узоқлашади ва ҳоказо. Содда қилиб айтганда, улар бамисоли океанлардаги муз парчалари сингари доимий ҳаракатда бўлишади.

Буни Марказий Осиёга нисбатан татбиқ этадиган бўлсак, мобилистик тушунча бўйича жанубда жойлашган Ҳиндистон плитаси шимол томонга ҳаракат қилиб, Евроасиё плитаси билан тўқнашади. Бундай сиқилув натижасида улкан Ҳиндукуш, Помир, Тянь-Шан тоғлари ҳозирги даврда ҳам ўсишда давом этаётти. Ҳаракат (сурилиш)

микдори кўндаланги (горизонтал)га йилига 10-15 сантиметргача, вертикал (тик) ҳаракат эса йилига бир неча миллиметрдан 10-15 миллиметргача бўлиши мумкин. Палеомагнетизм натижаларига асосан Ҳиндистон плитаси кейинги 20-30 миллион йил давомида тахминан шимол томонга қараб 1300 километрга сурилган.

Хуллас, зилзилалар кўпроқ ердаги ички мураккаб ҳаракатлар ва жараёнлар билан боғлиқдир. Лекин улар қанчалик кичик бўлмасин, ташқи кучларни ҳам ҳисобга олишимиз шарт. Ташқи кучлар ерда тайёрланган воқеани бироз тезлатиш ёки секинлатишга тўртки бўлиб хизмат қилиши кўплаб кузатишлардан маълум.

Ҳозирги кунгача Ўзбекистоннинг қайси жойларида, қандай куч билан ер силқинишлари содир бўлишини аниқ кўрсатадиган сейсмик районлаштириш хариталари тузилган бўлиб, барча лойиҳа-қурилиш ишлари меъёрий ҳужжат — «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари» асосида олиб борилади. Меъёрий ҳужжат (ҚМК)нинг асосини Республиканинг умумий сейсмик районлаштириш харитаси ташкил қилади. Қурилиш ишлари меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда олиб борилади. Айниқса, кўп қаватли уйларни қуришда бу ҳужжатга қатъий риоя қилинади. Шунинг учун, мабодо, зилзила бўлса, уйларимиз бузилиб кетмайдими, деган хавотирга ўрин йўқ. Яна қайтарамиз, меъёрий ҳужжатга асосланиб қурилган уйларда халқимиз беҳавотир яшаши мумкин.

Кези келганда яна шуни айтиш лозимки, Ўзбекистонда Японияда бўлгани сингари ўта кучли зилзила содир бўлмади. Ўзбекистон қуруқликда жойлашганлиги учун цунами ҳодисаси ҳам юз бермади, албатта. Зилзиланинг зарарли оқибатидан қутулишнинг энг асосий йўли, бу юқорида қайд этганимиздек, иморатларни,

иншоотларни бинокорлик меъёрлари ва қоидаларига асосланган ҳолда қуриш, уларга қатъий риоя қилишдир.

— Япон халқи бошига тушган фожиа бугун бутун дунё аҳлини ларзага солмоқда. Очиғи, бунақасини ҳеч ким кутмаганди. Ваҳоланки, фожиа юз беришидан икки кун муқаддам АҚШ матбуотида чоп этилган бир мақолада Японияда кучли зилзила бўлиши тахмин қилинган эди. Сизнингча, бу хабар илмий асосланганми?

— Америкада чоп этилган мақола тўғрисида, афсуски, аниқ жавоб беролмайман. Чунки маълумот етарли эмас.

Умуман, зилзилаларни олдиндан айтиб берса бўладими? Муаммонинг ечимини қай даражада? Илм-фаннинг бу соҳадаги ҳозирги даражаси қандай аҳволда?

Зилзилаларни олдиндан айтиш муаммоси билан бир неча ўнлаб давлатларнинг минглаб мутахассислари юз йиллардан бери шуғулланиб келади. Тадқиқотлар натижаси ўлароқ, юз йил олдингига қараганда зилзилаларнинг жуда кўп сирлари очилди. Лекин муаммо охиригача аниқ ечимини топган эмас. Шундай дейишимизга сабаб — бундан кейинги йилларда Индонезия, Хитой, Чили, Гаити ва ниҳоят Япониядаги зилзилалар мисолида кўриб турибмиз. Ҳозирги кунга келиб зилзилаларнинг юзлаб аниқ дарақчилари мавжуд эканлиги аниқланган. Дарақчиларнинг вақти ва майдондаги ўлчамлари билан зилзила кучи ўртасидаги аниқ математик боғлиқликлар аниқланган. Зилзилалар тайёрланиш жараёнининг моделлари яратилган. Шунга қарамай, тадқиқотчилар фақат айрим зилзилаларнигина олдиндан айтишга муваффақ бўлишмоқда. Айтилганларига нисбатан айтиб берилмаганларининг сони ҳамон анча юқори. Табиий савол туғилади. Нега зилзила

ҳақида шунча кўп маълумотга эга бўла туриб, уларни олдиндан айтиб берилмаяпти?

Бизнинг фикримизча, бу масалани қуйидагича изоҳлаш мумкин. Зилзилаларни олдиндан айтиш муаммосига қаратилган ишлар асосан илмий-техшириш ишларидан иборат. Бирон жойда тайёрланаётган зилзила дарақчиларини тўла кузатиш учун 20-30 йил катта майдонда доимий кузатув ишларини олиб бориш тақозо этилади. Бу жуда сермашақат ва узоқ давом этадиган иш. Шунинг учун кўплаб маълумотлар «узук-юлук» кузатув натижаларидан иборат. Зилзилани аниқ айтиб бериш учун камида 2-3 та дарақчиларнинг вақт ва майдондаги ўзгаришлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлишимиз керак. Шундагина биз зилзиланинг вақти, жойи ва кучини олдиндан айтиб бера оламиз. Бунинг бирдан-бир йўли зилзилаларни олдиндан айтиш хизматини яратишдир. Ҳозиргача бундай хизмат биронта давлатда яратилмаган. Зилзилани прогноз қилиш ишлари фақат Хитойда талаб даражасига яқин ташкил этилган бўлиб, барча провинцияларда доимий комплекс кузатув ишлари олиб бориш йўлга қўйилган. Лекин ҳозирча станциялар сони бу ерда ҳам етарли эмас ва зилзилаларни 100 фоиз айтиб бериш даражасига етиб бормаган.

Японияда зилзилаларни прогноз қилиш бошқа жойларга нисбатан анча мураккаб. Сабаби Япония давлатининг майдони нисбатан кичик ҳамда денгиз ва океан сувлари билан ўралганлиги учун қутилаётган зилзила дарақчиларини катта майдонларда кузатиш имконияти чекланган. Боз устига денгиз ва океанларда электромагнит майдонлари кўрсаткичларига «қирғоқ эффекти» салбий таъсир ўтказиши. Прогноз маркази ҳам мавжуд эмас.

Табиийки, сизни Ўзбекистон-

Хитой

